**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/10/1]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
https://science.nuu.uz/
Social sciences

**УЎК: 327.33(575.1)**

***Отабек АЛИМАРДОНОВ,***
*Ўзбекистон Миллий университети доценти в.б., (PhD)*
*E-mail: otabekalimardonov111@gmail.com*

*Тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Муртазаева таҳрири остида*

## THE ROLE OF WOMEN IN THE DEVELOPMENT OF PUBLIC DIPLOMACY

Abstract
In a period of rapid intensification of globalization processes on a global scale, the influence of public diplomacy in international relations is clearly felt. On the one hand, under the influence of integration, there is a mutual rapprochement of peoples, on the other hand, the emergence of new states on the geographical map of the world and the rapid growth of the population, in turn, causes an increase in a number of socio-economic problems, ethnic confrontations and color revolutions.
**Key words:** Gender equality, public diplomacy, female diplomat, Uzbekistan-US friendship society, international cooperation, cultural and humanitarian ties, image of Uzbekistan, Forum of Women Leaders of the SCO Countries, “Uzbek Cultural Center in Lithuania”, association of “Star-Central Asia in Finland”.

## РОЛЬ ЖЕНЩИН В РАЗВИТИИ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ

Аннотация
В период стремительного усиления процессов глобализации в масштабах всего мира отчётливо ощущается влияние народной дипломатии в международных отношениях. С одной стороны под влиянием интеграции наблюдается взаимное сближение народов, с другой стороны возникновение в настоящее время на географической карте мира новых государств и стремительный рост численности населения становится причиной, в свою очередь, к увеличению целого ряда социально-экономических проблем, этнических противостояний и цветных революций.
**Ключевые слова:** Гендерное равенство, народная дипломатия, женщина-дипломат, общество дружбы Узбекистан – США, международное сотрудничество, культурные и гуманитарные связи, имидж Узбекистана, “Форум женщин – лидеров стран ШОС”, «Узбекский культурный центр» в Литве, «Звезда-Центральная Азия» в Финляндии.

## ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

Аннотация
Жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддат билан кучайиб бораётган айни пайтда халқаро муносабатларда халқ дипломатиясининг таъсири яққол сезилмоқда. Бир томондан, интеграция аъсирида халқларнинг ўзаро яқинлашуви кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги даврда жаҳон жуғрофий харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши ва аҳоли сонининг шиддат билан ўсиб бориши, ўз навбатида, қатор ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтириб, этник зиддиятлар ва рангли инқилоблар ортишига сабаб бўлмоқда.
**Калит сўзлар:** Гендер тенглиги, халқ дипломатияси, аёл дипломат, “Ўзбекистон-АҚШ” дўстлик жамияти, халқаро ҳамкорлик, маданий-гуманитар алоқалар, Ўзбекистон имижи, ШҲТга аъзо давлатлар етакчи аёллари форуми, “Литвадаги ўзбек маданияти маркази”, Финляндиядаги “Юлдуз – Марказий Осиё” ассоциацияси.

**Введение.** В последнее время в мировом сообществе уделяется большое внимание гендерному вопросу.

Гендерное равенство ни в коем случае не стирает разницу между мужчинами и женщинами. Оно дает возможность женщинам самостоятельно решать свою судьбу, в обществе в котором они находятся и в государстве, в котором они живут.

Но к сожалению, пока женщины мало влияют на принятие решений в вопросах политики и экономики, от которых зависит и их собственная судьба. Большая часть решений принимается мужчинами, которые во многом ограничены рамками мужского видения и понимания жизни.

Очевидно, что обеспечение прав женщин способствует укреплению демократии, стабильности и терпимости в обществе. Ведь положение женщин, словно лакмусовая бумажка, выявляет действительную степень цивилизованности той или иной социальной или же религиозной общности, а также безошибочно отражает степень приверженности ее членов принципам гуманизма, равенства и милосердия.

**Основная часть.** Народная дипломатия одной из значимых сфер дипломатии, где активно проявляют себя женщины, является нравственная политика, цель которой – не завоевание власти над кем-либо, а использование ее для улучшения жизни людей, сосредоточение на проблемах равенства, развития, мира[1].

Гуманитарная составляющая в политике и дипломатии, решение таких вопросов, как безопасность и мир во всем мире, защита окружающей среды, сотрудничество в сфере культуры, образования и искусства – это те сферы, где женщина-дипломат может проявить себя в полной мере.

В истории существует множество примеров, когда женщины становились талантливыми политиками, дипломатами, общественными деятелями:

Беназир Бхутто-первая в новейшей истории женщина, глава правительства исламского государства Пакистан. Бхутто освободила политических заключенных и предприняла ряд мер для восстановления основных прав человека. Бхутто пыталась разрешить социальные и медицинские проблемы, в том числе вопросы дискриминации в отношении женщин. Она также продемонстрировала большое искусство в международных отношениях и завоевании дипломатической и экономической поддержки Пакистана.

Балжан Бультрикова-первая женщина-министр иностранных дел Казахстана и первая в истории Казахстана женщина-дипломат, выступавшая с трибуны ООН.

Роза Отумбаева вошла в историю как первая женщина-посол из Киргизии. В разные годы она руководила посольством Кыргызстана в Малазии, США, Канаде, Великобритании. Была назначена Вице-премьером и Министром иностранных дел Кыргызстана. В мае 2002 года она занимала пост заместителя специального представителя Генерального секретаря ООН в Грузии по урегулированию грузино-абхазского конфликта. В результате событий 7 апреля 2010 года стала главой Временного правительства Киргизии.

В этом смысле, как и в истории других народов мира, в прошлом нашей страны также следует обратить внимание на активное участие наших мудрых женщин в решении многих сложных вопросов.

Действительно, в народной дипломатии, которая находит своё яркое подтверждение в жизни человека, необходимо все шире и активнее использовать потенциал женщин. В Узбекистане примечательны исследования Центра народной дипломатии ШОС в этой сфере. В частности, в качестве примера можно привести “Форум женщин – лидеров стран ШОС”. Тот факт, что Центром ежегодно организуются различные встречи и “круглые столы” между иностранными женщинами, работающими в посольствах и представительствах государств-членов ШОС в Узбекистане, и известными женщинами нашей страны – сенаторами, депутатами, учеными, поэтами, деятелями науки и культуры, это также способствует расширению участия женщин в народной дипломатии.

Отрадно, что значительно возрастает участие женщин, в том числе девушек из числа спортсменов в дальнейшем повышении имиджа нашей страны. Танзиля Нарбаева — узбекский государственный и общественный деятель, первая жещина-председатель Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Сегодня мир хорошо знает Ироду Тулаганову. Все любители спорта с белой завистью смотрят на многолетние победные рекорды Оксаны Чусовитиной. Судьба Зульфия-ая из села Ханабад Зангиатинского района Ташкентской области, которая потеряла на полях сражений Второй мировой войны пятерых сыновей, а также повествующий о ее трагической истории фильм “Ильхак”, на самом деле являются ярким источником народной дипломатии.

Возьмем другой пример – жизнь и творчество народной поэтессы Узбекистана Зульфии. Наша поэтесса, овдовевшая с двумя детьми в возрасте до тридцати лет, оставалась еще более полувека своей жизни верна любви другому любимому поэту нашего народа – Хамиду Алимджану. Достичь такого величия нелегко. Такую непоколебимую стойкость, как верность восточной женщины, сильной воли восточной матери также следует активно продвигать с помощью народной дипломатии.

В последние годы в Узбекистане наблюдается рост гражданской и политической активности женщин. Появились женские неправительственные организации, такие, как Центр поддержки женщин, Ассоциация деловых женщин Узбекистана, Женский ресурсный центр, Центр женщин-лидеров, Информационно-просветительский центр.

Эти организации способствуют решению важных проблем, таких, как женская занятость, просветительская работа среди женщин, подготовка женщин-лидеров для работы в коллективах, создание информационной сети среди женщин.

Народная дипломатия имеет ряд преимуществ по сравнению с государственной дипломатией. Эти преимущества – специфическая форма общения, посредством которой народы проявляют свои чувства намного шире и глубже, чем позволяет регламентированный язык дипломатов, когда нельзя говорить больше, чем надо. Народная дипломатия говорит без всяких преград, искренне. А именно искренность больше всего скрепляет народы[2].

Для служения благородному делу развития дружбы, сотрудничества и взаимопонимания между народами Узбекистана и зарубежных стран организованы полномасштабные многофункциональные информационно-культурные центры.

Сегодня большое значение имеет роль женщин в развитии межнациональных отношений и дружеских связей с зарубежными странами. Женщинам нашей страны принадлежит уникальная роль в укреплении народной дипломатии, культурно-гуманитарного сотрудничества, дружественных отношений между Узбекистаном и мировым сообществом.

Сегодня роль узбекских женщин в народной дипломатии можно рассматривать по 3 направлениям[3].

- женщины-ученые, изучающие теоретические основы международных отношений и народной дипломатии;
- женщины, вносящие практический вклад в развитие народной дипломатии Узбекистана;
- женщины-соотечественницы, помогающие повышать имидж Узбекистана за рубежом.

На данный момент заслуживает внимания вклад женщин, работающих в 36 обществах дружбы Узбекистана и в практическом развитии народной дипломатии Узбекистана. В обществах дружбы, таких как «Узбекистан-США», «Узбекистан-Франция», «Узбекистан-Болгария», «Узбекистан-Афганистан», «Узбекистан-Япония», «Узбекистан-Германия», «Узбекистан-Малайзия», «Узбекистан- Италия» участие и роль около 20 женщин очевидны в работе, которую они выполняют[4].

Общество дружбы Узбекистан – США функционирует с 1999 года. Оно ведет свою деятельность, опираясь на народную дипломатию.

Начиная с 2000 года Общество дружбы Узбекистан – США начало свою бурную деятельность. В Вашингтоне при посольстве Узбекистана при содействии посла С.Сафаева была организована встреча с соотечественниками и большой концерт с участием народной артистки Узбекистана Муножат Юлчиевой. Такая же встреча была проведена в штате Нью-Джерси с соотечественниками, где выступила заслуженная артистка Узбекистана Мавлюда Асалходжаева[5].

Прошедшая в 2013 году в Нью-Йорке международная научная конференция на тему «Современная махалля и ее роль в построении гражданского общества в Узбекистане» в своем докладе Борис Кандов, подчеркнул уникальность института махалли и его роль в общественной жизни Узбекистана. Им было особо выделены такие свойственные этому сообществу граждан традиции, как добрососедство и взаимное уважение, доброта и милосердие, воспитание подрастающего поколения на основе национальных и общечеловеческих ценностей.

В работе конференции принимали участие делегация представителей общественности Узбекистана, которая представила развернутую информацию об осуществляемых в Узбекистане масштабных реформах по строительству демократического правового государства с сильным гражданским обществом. С докладом на тему «Историография возникновения махалли на узбекской земле» выступила одна из организаторов конференции председатель Узбекско-американского отделения Общества дружбы с зарубежными странами, доктор экономических наук, профессор Гульчехра Ахунова[6].

Вопросам толерантности – движущей силе многонационального Узбекистана посвятила свое выступление доктор исторических наук, профессор Рахбар Муртазаева. На конференции также были заслушаны

доклады «Узбекская махалля на американской земле: социально-психологический опыт», «Роль женщины в развитии современной махалли», «Бухарско-еврейский квартал Самарканда «Шарк» как социально-культурный феномен на мусульманском Востоке», «Махалля в современном узбекском городе» и другие.

В 2014 году – «Год здорового поколения» группой артистов, в состав которого входили народная артистка Узбекистана Мухаббат Шамаева и артистка Тамара Катаева дали благотворительный концерт в городах Самарканде, Бухаре и в Ташкенте.

После визита нашего уважаемого Президента в США и произнесенной ими речи с трибуны 72-й сессии ООН, и встречи с соотечественниками в посольстве Узбекистана в Вашингтоне перед Обществом открылись новые перспективы и возможности.

22-29 марта 2019 года по приглашению наших соотечественников, проживающих в Нью-Йорке делегация в составе из 3-х человек во главе д.э.н., профессора Ахуновой Гульчехры Назаровны посетила штаты Нью-Йорк, Чикаго, Атланта, Нью-Джерси и участвовала в праздновании «Навруз». Между участниками мероприятия состоялся обмен мнениями и предложениями. В июне 2019 года группа наших соотечественников, проживающих в Чикаго в составе 20 человек, родителей и детей посетили Узбекистан для ознакомления с Родиной. Для них были представлены льготные условия и бесплатное проживание[7].

26 апреля 2021 года Комитетом по межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами и обществом дружбы «Узбекистан-США» в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека организован международный онлайн круглый стол на тему «Роль женщин в народной дипломатии»[8].

Заместитель председателя общества дружбы «Узбекистан-США», доктор экономических наук, профессор Г.Ахунова рассказала об эффективном участии женщин Узбекистана в народной дипломатии на примере деятельности общества дружбы «Узбекистан-США».

В онлайн-мероприятии активистка Конгресса Бухарских евреев США и Канады, профессор Т.Аронова подчеркнула роль и место женщин в общественно-политической жизни США, а также рост числа женщин-лидеров в сферах власти и администрации.

Председатель Ассоциации женщин Узбекистана «Олима», доктор исторических наук, профессор Р.Муртазаева дала информацию о статистических анализах женщин, демонстрирующих свои интеллектуальные потенциалы в области химии, биотехнологии, сельского хозяйства и других областях, и вносящих вклад в инновационное развитие нашей страны своими оригинальными исследованиями и инновационными разработками. Она подчеркнула, что узбекские женщины издревле умело участвовали в дипломатии, считающейся деликатной областью, и сегодня женщины-ученые занимают особое место не только во внутренней политике страны, но и в развитии и укреплении международных отношений[9].

В ходе онлайн-диалога также была освещена деятельность наших соотечественников за рубежом с руководителями подобных организаций, с нашими партнерскими организациями в Литве, Латвии, Эстонии, Финляндии, Германии, США, КНР и Индонезии.

Л.Урманова, председатель общества «Узбекский культурный центр» в Литве также присоединилась к онлайн-диалогу и поделилась опытом Литвы в отношении роли женщины в обществе[10].

**Заключение.** В заключение можно сказать, что в текущем периоде народная дипломатия Узбекистана является одним из важнейших акторов международных отношений как теоретически, так и практически для региона. Участие женщин в этих процессах может положительно повлиять на развитие публичной дипломатии в регионе, а также на решение гендерных вопросов.

## ЛИТЕРАТУРА


1. Алмардонов О. Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрни (1991-2017 йй.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. –53 б.
2. Алмардонов О.Қ. Халқ дипломатияси – Ўзбекистоннинг Хитой билан ҳамкорлик алоқалари // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. – 2017 йил 5-сон. Тарих туркуми.–Б. 24-26. (07.00.00. №22).
3. Алмардонов О.Қ. Марказий Осиё давлатлари халқ дипломатиясининг ривожланишида хотин-қизларнинг ўрни // "Марказий Осиё давлатлари олима аёлларининг илм-фан соҳасига қўшган ҳиссаси" Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2020 йил 20 март. – Б. 356-362.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архив материллари.//Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими маълумотлар базаси 8 варақ.
5. Almardonov O.Q. On several aspects of people diplomacy between Uzbekistan and The United States // "Барқарор ривожланишда узликсиз таълим: Муаммо ва ечимлар" Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Чирчиқ, 2019. – Б. 142-146.
6. Алмардонов О.Қ. The role of People's diplomacy in Uzbekistan's friendly relations with South Korea and Japan // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) 2020 P.243-247. (07.00.00. SJIF 7.001 №23)
7. Алмардонов О.Қ. The concept, Genesis and evolution of Public diplomacy // EPRA International Journal of MULTIDISCIPLINARY RESEARCH (IJMR) Monthly, Peer Reviewed (refereed) and Indexed International Journal Volume-6 Issue-9 September 2020 P.287-291. (07.00.00. SJIF 7.032 №23)
8. Муртазаева Р.Ҳ. - Толерантность как главный фактор в укреплении народной дипломатии между государствами //"Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг тутган ўрни ва роли" мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманини материаллари – Тошкент.: "ЎзМУ", 2017. – Б. 6.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архив материллари.//Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими маълумотлар базаси 12 варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архив материллари.//Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими маълумотлар базаси 17 варақ.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/10/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:929:323:37(575.146)

*Зебинисо АҲМАДОВА,*
*Бухоро давлат университети мустақил изланувчиси*

*Т.ф.д., профессор Ш.А.Хаитов тақризи асосида*

## ABDURAUF FITRAT-A BRIGHT REPRESENTATIVE OF BUKHARA JADIDISM

Abstract
In this article, the liberation of Bukhara from medieval backwardness and religious superstition, the reform of Sharia law, the spread of enlightenment to the people, the establishment of a constitutional monarchy and parliament in the territory of the emirate, and then the establishment of a democratic republic, a free and prosperous society, the introduction of a national currency and the formation of a national army are discussed in this article. He spoke about the famous representatives of the Bukhara Jadidism movement and the main directions of the Bukhara Jadidism.
**Key words:** Education, school, madrasa, religion, Abdurauf Fitrat, Jadidism, Turkestan, Bukhara, tafsir, hadith, kalam, fiqh, method of fiqh, accounting, tajvid, history, prosperity, society, Jadid schools, Enlightener, youth of Bukhara, Sadriddin Ainiy, Abdulvahid Munzim, Faizulla Khojaev, Usman Khoja, globe, map, progressive.

## АБДУРАУФ ФИТРАТ ЯРКИЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЬ БУХАРСКОГО ДЖАДИДИЗМА

Аннотация
В статье рассматривается научная и творческая деятельность Абдурауфа Фитрата, великого сына бухарского народа, борца за национальную свободу, политика, публициста, журналиста, и жизненный путь виднейшего и яркого представителя бухарского джадидизма, его усилия. в обществе его деятельность по открытию джадидских школ, а также его деятельность по открытию джадидских школ, не выражались политическими вопросами в уставе общества направления, в которых шла речь о возможности реформирования государственного строя Бухарского эмирата, введение передовой молодежи в государственное управление и, таким образом, осуществление прогрессивных изменений в государственном политическом строе.
**Ключевые слова:** Абдурауф Фитрат, образование, модернизм, Туркестан, Бухара, Садриддин Айни, Абдувахид Мунзим, Ахмаджон Хамди, Хамидходжа Мехри, тафсир, хадис, калам, фикх, усул, история, общество, современные школы, просвещенные, Турция, Иран, застройщик, "Тарбия атфол", народный, Туркестан.

## АБДУРАУФ ФИТРАТ БУХОРО ЖАДИДЧИЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЯНДАСИ

Аннотация
Мақолада Бухоро халқининг забардаст фарзанди, миллий озодлик курашчиси, сиёсатчи, публицист журналист Абдурауф Фитратнинг илмий ижодий фаолияти ҳамда Бухоро жадидчилигининг энг кўзга кўринган ёрқин намояндасининг ҳаёт йўли жамиятда олиб борган саъй-ҳаракати усули жадид мактабларини очишдаги фаолияти, жамият низомида сиёсий масалаларда ўз ифодасини топмаган йўналишлар, унда Бухоро амирлиги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуриятига илғор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илғор ўзгаришлар қилиш мумкинлиги хусусида сўз борган.
**Калит сўз:** Абдурауф Фитрат, маориф, жадидчилик, Туркистон, Бухоро, Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, усул,тарих, жамият, жадид мактаблари, маърифатпарвар, Туркия, Эрон, тараққийпарвар, “Тарбия атфол”, халқ, Туркистон.

**Кириш.** Ўзбек халқининг забардаст фарзанди, миллий озодлик курашчиси Абдурауф Фитрат Бухоро жадидчилигининг энг кўзга кўринган ёрқин намояндаси эди. У “Фитрат” тахаллуси билан тириклигида ҳам, ундан кейин ҳам машҳур бўлди. Фитратнинг ақлу заковатини Кавказ ва Волга бўйидаги ҳамкасабларигина эмас, Москва, Ленинграддаги шарқшунослар ҳам юксак қадрлаганлар.

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухоро шаҳрида савдогар Абдураҳимбой оиласида туғилган. Фитрат унинг тахаллуси бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Фитрат” сўзи учрамайди [13]. “Навоий луғати”да Фитрат сўзи “табиат, туғма табиат, яратилиш” деб изоҳланган [3]. Фитратнинг отаси Абдураҳимбой ўқимишли, дунёнинг баланд-пастидан хабардор киши бўлган. Савдо ишлари билан Туркия, Эрон, Қашкарга тез-тез бориб турган. Абдураҳимбой савдо ишлари билан Қошғарга кетиб, қайтиб келмаган. Онасининг исми Бибижон бўлиб, тахминан 1866 йилларда туғилган. Оилада Абдурауфдан ташқари яна икки фарзанд — укаси Абдураҳмон ва синглиси Маҳбуба бўлган. XX асрнинг 20-йилларнинг фаолларидан бўлган, гоҳо шеър ҳам машқ қиладиган Маҳбуба Раҳим қизининг номи ўқувчиларга бир қадар таниш. Абдураҳмон эса XX асрнинг 10-йилларида Когон босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлаган [14].

Абдурауф эски мактабни тамомлагач, Мир Араб мадрасасида ўқиган. Айнан шу даврда Бухоро ҳудудида жадидчилик ҳаракати вужудга кела бошлаган эди. 1908 йилнинг октябрида Бухоро тараққийпарварларидан Садриддин Айний ва Абдулвоҳид Мунзимлар томонидан айнан бухоролик болалар учун тожик тилида таҳсил берувчи жадид мактаби ташкил этилган [2]. Ушбу мактабда 20-30 ёшли кишилар учун кечки ўқув курслари ҳам ташкил қилиниб, катта ёшли талабаларга ҳар куни 2 соатдан дарс ўтилган. Қисқа муддатда мактаб халқ орасида шуҳрат қозонган [9]. Мулла Қамариддин бошчилигида уламолар бу ҳолатдан норози бўлиб, жадидлар мактабига қарши фитна қўзғатишга киришганлар. Вазият мураккаблашгач, 1909 йил 26 сентябрда Остонақул қўшбеги, қозикалон Бақохўжа ва Бурҳониддин раислар мирзо Абдувоҳидга мактабнинг ёпилганини расман эълон қилганлар [1].

Шундан сўнг, 1909 йили Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, Ҳожи Рофеъ, Мукаммал Бурҳоновлар Бухорода "Тарбияи атфол" ("Болалар тарбияси") номли яширин жамиятини тузганлар [6,]. Жамият аъзолари тамомила яширинча иш олиб бориб, Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Ғиждувонда жамиятнинг 28 та шахобчасини очадилар [1]. Бу жамиятнинг саъй-ҳаракати билан усули жадид мактаблари яна бирин-кетин очила бошлади. Жамият низомида сиёсий масалалар ўз ифодасини топмаган бўлса-да, унда Бухоро амирлиги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуриятига илғор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илғор ўзгаришлар ясаш кўзда тутилган эди. Жамиятнинг бирламчи масаласи Бухоро ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухоро эски мактабларини ислоҳ қилиш иши амалда бошланган бўлса-да, олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган, улар илмли, малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун "Тарбияи атфол" жамияти иқтидорли ёшларни Истанбул, Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой каби шаҳарларга ўқишга юборишни биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқ истиқболи, маърифати учун жон куйдирувчи мулкдорлар ҳам, иқтисодий ёрдам берувчи зиёлилар, давлат арбоблари ҳам топилди.

"Тарбия атфол" жамияти ўз фаолияти даврида қуйидаги ишларни амалга оширган:

Биринчидан, илмга чанқоқ ёшларга ҳар жиҳатдан: ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб, Туркия ҳамда Россиянинг Қозон, Уфа, Боғчасарой шаҳарларига ўқувчилар юбориш масаласига алоҳида эътибор берди. Истанбул шаҳрида таълим олаётган бухоролик талабалар сони 1911 йилда 15 та, 1912 йилда эса 30 дан ошади [8].

Иккинчидан, жамият Бухоро амирлигида Туркия ва Эронда ҳамда Россия мусулмон шаҳарларида нашр қилинадиган матбуот намуналари билан бухороликларни таништириб боришга катта эътибор берди. Бухородаги Россия сиёсий агентлигининг ҳар қандай таъқиб ва тўсиқларига қарамай, жамиятнинг саъй-ҳаракати билан бундай нашрлар амирликда ҳам кенг тарқала бошлади.

Учинчидан, ҳамма жадид мутафаккирлари каби "Тарбияи атфол" жамияти аъзолари ўринсиз сарф-харажатларга, тўй ва маъракаларга сарф қилинадиган катта-катта харажатларга, исрофгарчиликларга қарши чиқдилар. Бундай маблағларни фарзандлар тарбиясига, уларни чет элларда ўқитиш учун сарф қилишга даъват этдилар. Ушбу жамият 1914 йил мартда "Маърифат" ширкати тузадилар ва 1915 йил 22 декабрда амир Олимхон бу жамиятнинг уставини тасдиқлаб беради [11, 12]. Бу ширкат китоб савдоси билан шуғулланар, усули жадид мактабларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашга жамиятнинг бирламчи вазифаси сифатида қарар эди.

"Тарбияи атфол" жамиятни ўз фаолиятининг дастлабки йилидаёқ бир гуруҳ ёшларни Истанбулга ўқишга юборди. Туркияда таълим олишдан мақсад ўлкадаги "усули жадид" мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, "усули тадрис"нинг ҳам амалий, ҳам назарий асосларини ишлаб чиқиш, дарсликлар, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар яратиш эди.

Истанбул дорулфунида таҳсил олаётган Абдурауф Фитрат Туркияда ўқиётган ватандош ўқувчи-талабаларга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш, Бухоро ва Туркистондан талабалар келишини кўпайтириш ва мунтазамлаштириш мақсадида жамият тузади ва унинг мукаммал Низомномасини ишлаб чиқади [5]. Бу ҳужжат 1909 йилда Истанбулнинг Вазирхон кўчасида жойлашган "Матин" типографиясида нашр қилинган бўлиб, 4 бобдан иборат. 1-боб "Бухоро таъмими маориф хайрия жамиятининг асосий қоидалари", 2-боб "Фавқулодда йиғинлар, умумий йиғинлар, мунтазам йиғинлар", 3-боб "Талабаларни жамиятга қабул қилиш" ва 4-боб "Бухоро таъмими маориф жамияти хайриясининг хатти-ҳаракатлари" деб номланади [10].

"Бухоро таъмими маориф жамияти"нинг таркиби доимий ва мухбир аъзолардан иборат бўлган. Жамиятнинг бош органи Кенгаш бўлиб, унинг 14 кишидан иборат таркиби доимий аъзолардан сайланган. 14 киши орасидан эса жамият раиси тайинланган. Жамиятга аъзо бўлувчилар ҳар ой 10 пиастр миқдорида бадал тўлаши шарт бўлган [10, 17]. Туркияда таҳсил олишни хоҳловчи Бухоро ва Туркистондаги камбағал оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида очилган бу жамият - 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган соғлом болаларни қабул қилишни шарт қилиб қўйган. Жамият фаол аъзоларидан Ҳамидхўжа Меҳрий нафақат Бухоро ва Туркистонда, балки 1910 йилда Хива хонлигига ҳам бориб, у ердаги ёшларни Туркияга бориб таҳсил олишга даъват этган [12, 11].

"Низомнома"нинг "Бухоро таъмими маориф жамияти хайрияси" хатти-ҳаракатлари боби жамиятнинг мақсадларини ифодаловчи 14 моддадан ташкил топган:

"1-модда. "Бухоро таъмими маориф жамияти" Туркистонда, ва билхосса, Бухорода нашри улум (илм ёйиш) ва таъсиси макотиб (мактаблар очиш) мақсадида қурилган бир хайрия жамияти бўлиб, ҳеч қандай сиёсий мақсад кўзламагани каби мавжуд жамият сиёсатга ҳам ҳеч бир муносабати йўқдир.

2-модда. Жамиятнинг кўзлаган ягона мақсади моддий имкониятлари доирасида Бухоро ва Туркистондан ҳар йили лозим кўрилгани қадар талаба келтириб, уларни Истанбул мактабларида ўқитмоқдир.

3-модда. Талабалар жамиятнинг ҳимояси остида бўлиб, ахлоқи ва бошқа турли жиҳатлари назорат қилинади.

4-модда. Ўқишни тугатган талабанинг истиқболи ва маслаки отийсини (келажакдаги иш ўрни) жамият ҳал этади ва бу хусусда аксарият чиқариладиган қарорга ҳеч бир талаба хилоф иш тутмайди. Акс ҳолда, у таҳсил учун сарфланган харажатларни қайтаришга мажбурдир.

5-модда. Бухорода очиладиган мактабларнинг қурилишига ва олиб келинадиган талабаларнинг йиллик таҳсил харажатларига кўмак бериш мақсадида Бухоронинг фидойи бойларига мурожаат сўнггида берилажак ионалар қабул қилинади.

6-модда. Таъсис этиладиган мактабларнинг идора ҳайъати ва таълимида фақат жамият томонидан тайинланадиган шахслар жамият қўядиган талабларни қабул қилиш шарти билан фаолият юргизадилар.

7-модда. Таҳсил харажатларини бошқа жамиятга йиллик эллик рубл беришни бўйнига олган ағниёнинг муҳодими жамиятнинг назорати ва ҳимоясида таҳсил ола биладилар.

8-модда. Мухбир аъзога ҳар уч ойда бир марта жамиятнинг чиқарилган қарорларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами юборилади.

9-модда. Юборилган ҳужжатнинг баъзи жиҳатига мухбир аъзолар томонидан билдирилган фикр мулоҳазалар музокара сўнггида эътиборга олинади.

10-модда. Ҳозирча жамиятнинг шўъбалари йўқ. Бироқ бир неча ишончли вакиллари мавжуддир.

11-модда. Вакилларнинг жамият доктринасига хилоф ҳаракат қилганлари маълум бўлиб қолган тақдирда аъзойи мушовари қарори билан бир умумий баённома чиқарилиб, мазкур кишига берилган ишончнома ҳукми бекор қилинади.

12-модда. Жамиятнинг бир кутубхонаси бўлади ва арбоби ҳамият томонидан совға этилган китоб ва рисолалар билан тўлдирилади.

13-модда. Жамиятнинг ҳужжати расмий муҳр билан тасдиқланади.

14-модда. Жамият мақсад-ғояларини амалга ошириш учун лозим бўлса, нашр ишларига ҳам мурожаат қилади [10].

"Бухоро таъмими маорифи жамияти" ҳеч қандай сиёсий мақсадни кўзламаган, унинг асосий вазифаси Бухорода илм тарқатиш ва мактаблар очиш, моддий имконият доирасида ҳар йили Бухоро ва Туркистондан Истанбулга таҳсил олиш учун талабалар юборишдан иборат бўлган. Истанбулга таҳсил олиш учун кетган талабалар олдига бир қатор талаблар қўйилиб, улар қонуний жиҳатдан асосланган. Жумладан, талабалар жамият ҳимоясида бўлган ва уларнинг ахлоқи ва бошқа жиҳатлари назорат қилинган. Европа маданиятини кўр-кўрона қабул қилмаслик, келгусида ўз юртларига яхши мутахассис бўлиб қайтишлари ва унинг истиқболи учун фидойи ватанпарвар сифатида хизмат қилишлари, ўқишни тугатган талабаларнинг келажакдаги иш ўрни жамият томонидан ҳал этилиши, талаба жамият томонидан чиқарилган қарорга хилоф иш тутмаслиги, акс ҳолда унга сарфланган сарф-харажатларнинг ундириб олиниши уқтирилган.

Ушбу жамият ҳақида Заки Валидий Тўғон қуйида-гиларни ёзади: "Бу жамият (Тарбияи атфол) Истанбулда бир шўъба очароқ, унга 1911 йил 15, 1912 йилда 30 нафар талаба юборди. Бу шўъба "Бухоро таъмими маориф жамияти" ("Бухоро умумий маориф жамияти") номи билан расмий бир жамият шаклини олди. 1909 йилда Эрон йўли билан Истанбулга келган Фитрат ила Муқимиддин ва Русия йўли билан келган Усмонхўжа, ғулжалик Абдулазиз, Содиқ Ашур ўғли бу жамиятнинг қурувчилари эди" [4].

Садриддин Айний эса: "Икмоли таҳсил учун Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, унинг укаси Ато Хўжа, Мазҳар Маҳзум Бурҳон Маҳзум ўғли, Абдурауф Фитрат, Муқимбек Истамбулга сафар килдилар. Фитрат мазкур талабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фозили эди" [1], бежизга айтмаган.

Истанбулда ўқиётган талабалар, айниқса Фитрат таҳсил олиш билан бирга Туркияда чиқадиган "Ҳикмат", "Таърифи муслимин", машҳур турк шоири Меҳмет Акиф муҳаррирлигидаги "Сирот ул-мустақим" ("Тўғри йўл") каби газета ва журналларини Бухорога жўнатиб турадилар ва бу нашрлар тез орада ўз мухлисларига эга бўлган [7]. Инқилобий Туркия "Иттиҳод ва тараққий" партияси билан яқинлашув, усмонли туркларнинг инқилобий-демократик тафаккурида муҳим замин бўлиб хизмат қилган ислом-чилик, туркчилик, усмончилик ғоялари Фитратнинг ҳам ижодкор, ҳам сиёсий арбоб сифатида шаклланишига маълум таъсир кўрсатди. У таҳсил олган Истанбул дорилфунунида Туркия адабиётидаги исломчиликнинг 1910 йиллардаги энг машҳур вакили "Сирот ул-мустақим" журналининг муҳаррири Меҳмед Акиф турк адабиётидан дарс берарди. Меҳмед Акиф 1921 йилда Туркия миллий мадҳияси матни учун конкурс ўтказилганида, у "Истиклол марши" шеъри билан 724 шоир орасидан биринчи ўринни олган. "Иттиҳод ва тараққий"нинг нашри афкори "Янги мажмуа"нинг бош муҳаррири, туркчилик ғоясининг байроқдори шоир Зиё Гўк Алп ижтимоиётдан кирарди. 1898 йилда "Туркча шеърлар"и билан бармоқда шеър ёзишни бошлаб берган Мехмед Аминга эргашиш авжга чиққан, "Турк юрду" (1911), "Ганч қаламлар" (1911) каби журналлар майдонга келиб, тилни арабий ва форсий унсурлардан тозалаш бошланган йиллар эди [14].

**Хулоса**. Абдурауф Фитратнинг ёшлик йиллари Бухоронинг эски мактаби, Мир Араб мадрасаси ҳамда Истанбулда кечди.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Б. 45.
2. Ёш бухороликлар қўмитасидан ўртоқ Пўлатхонов доклади // "Иштирокиюн" (Тошкент), 1919 йил 15 июнь. - № 113.
3. Жамолова Д. Фитрат йўли // "Миллий тикланиш" газетаси. 2022 йил 27 июл.
4. Заки Валиди Тўғон. Бугунги турк эли. Туркистон ва унинг янги тарихи. 2-босқи. Истанбул, 1981. – Б. 354.
5. Истанбулда Бухоро жамияти хайрияси // "Таржимон" газетаси. 1909 йил 25 декабр.
6. Ражабов Қ. Тарбияи атфол. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2004. Б. 271.
7. Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари. Ҳуқуқ ва бурч, № 1, 2008. – Б. 43.
8. Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент: "Чўлпон", 1994. – Б. 29.
9. Умняков И. К истории новометодной школы в Бухаре. – С.84.
10. Ўзбекистон МА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йиғмажилд. 17-20-варақлар.
11. Ўзбекистон МА, И-461, 1-рўйхат, 1919-йиғмажилд 12-варақ.
12. Ўзбекистон МА, И-2 фонд, 1-рўйхат, 285-йиғмажилд. 11-варақ.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2015.
14. Қосимов Б. Маслакдошлар. Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 150.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/10/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:946.382

***Азамат КТАЙБЕКОВ,***
*Нукус давлат педагогика институти таянч докторанти*
*E-mail: ktaybekov@gmail.com*

*ЎзМУ профессори, т.ф.д. О.П. Кобзева тақризи асосида*

**ҚОРАҚАЛПОҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ (2017-2022)**

Аннотация
Мақолада Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий тенденциялари ва кейинги йиллардаги кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари таҳлил етилган. Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб олинди. Саноатни, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, чорвачилик, балиқчилик, шоличилик кластерларини ташкил етиш бўйича таклифлар берилди.
**Калит сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тиббиёт, таълим, саноат, қишлоқ хўжалиги, ёшлар, кичик бизнес.

**SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN (2017-2022)**

Abstract
The article analyzes the socio-economic development of Karakalpakstan in modern trends and the growth rate of its indicators in recent years. The main priority directions for the development of the Aral Sea region have been identified. Proposals are given for the integrated development of industry, the agricultural sector, as well as the organization of livestock, fish and rice clusters.
**Keywords:** social and economic development, medicine, education, industry, agriculture, the youth, small business.

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН (2017-2022)**

Аннотация
В статье проанализировано социально-экономическое развитие Каракалпакстана в современных тенденциях и темпы роста её показателей за последние годы. Выявлены основные приоритетные направления развития Аральского региона. Даны предложения по комплексному развитию промышленности, аграрного сектора, а также организации животноводческих, рыбоводческих и рисоводческих кластеров.
**Ключевые слова:** социально-экономическое развитие, медицина, образование, промышленность, сельское хозяйство, молодежь, малый бизнес.

**Введение.** Республика Каракалпакстан обладает большими природными, минерально-сырьевыми и сельскохозяйственными ресурсами, трудовым потенциалом, дорожными, транспортными и инженерно-коммуникационными сетями, производственной инфраструктурой, удобным географическим расположением и значительной территорией.

Результаты реформ, осуществляемых в последние годы, проявляются в облике городов и сел, аулов, созидательная работа ускоренными темпами продолжается в каждой области. Практические меры в решении встречающихся проблем способствуют укреплению веры людей в завтрашний день, побуждают с энтузиазмом работать, менять к лучшему свою жизнь.

**Методология изученности**. На 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН [1] глава нашего государства призвал мировое сообщество объединить усилия в решении вопроса Аральского моря. Еще одним важным призывом является то, что в на 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН [2] Президент предложил разработать и принять резолюцию Генеральной Ассамблеи ООН о превращении Приаралья в зону инноваций и технологий, что было одобрено в 2021 году. По инициативе главы нашего государства под эгидой Организации Объединенных Наций созданы Трастовый фонд для региона Приаралья и Фонд по поддержке инноваций в Приаралье при Международном инновационном центре Приаралья при Президенте Республики Узбекистан.

Сильная социальная защита населения является одним из приоритетов внутренней политики Республики Узбекистан. Принимаются большое количество мер для социальной поддержки населения в Каракалпакстане. Используются образцовые и инновационные методы для сокращения бедности. Ведется работа по выводу из бедности граждан, включенных в «Железную тетрадь», «Женскую тетрадь», «Молодежную тетрадь». В Республике выявлено 45 287 трудоспособных безработных граждан среди 147 526 членов 32 469 семей, включенных в «Железную тетрадь». В связи с тем, что хокимиятами, руководителями секторов г. Нукуса и районов в январе-декабре 2021 года было трудоустроено 45 188 трудоспособных граждан и для них создан источник доходов, из «Железной тетради» исключены 30 439 семей [3].

В целях обеспечения занятости молодежи, решения ее проблем на основе сформированного в махаллях «баланса молодежи» внедрена система «Книга молодежи». Безработная и проблемная молодежь, выявленная в результате опроса, была включена в «Книгу молодежи», а в результате принятых мер к концу 2021 года 97% молодых людей, состоящих в Книге, были сняты с ее учета.

В 2018 году начаты работы по превращению в леса высохшего дна Аральского моря, и к настоящему времени на площади 1,6 млн. га созданы новые леса из саксаула и других пустынных растений. К этой работе была привлечена техника и авиация со всех регионов Узбекистана.

Постановлением Президента Республики Узбекистан с целью определения приоритетов государственной политики в области охраны окружающей среды, внедрения эффективных механизмов профилактики, выявления и предотвращения нарушений природоохранного законодательства, усиления персональной ответственности государственных органов, руководителей субъектов хозяйствования и граждан за санитарно-эко-

логическое состояние населенных пунктов республики, а также обеспечения достижения Национальных целей и задач в области устойчивого развития до 2030 года.

По созданию «зеленых покровов» – защитных лесов на высохшем дне Аральского моря и в регионе Приаралья на площади 1000 тыс. га в 2022-2026 годах принято специальное постановление [4]. Сегодня проводятся работы по высаживанию на высохшем дне Аральского моря саксаула, гречихи, сахарного тростника и других солеустойчивых растений на 100 тысячах гектаров.

В результате последовательно проводимых социально-экономических реформ ситуация в Республике Каракалпакстан сегодня кардинально меняется. Строятся современные предприятия, образовательные, медицинские, культурные и спортивные объекты. Но это только первые шаги, предпринятые для изменения облика республики. Ведь в предвыборной программе Президента Шавката Мирзиёева [5] были поставлены высокие цели и задачи по строительству Нового Каракалпакстана. Результаты исследования, проведенного непосредственно в городах и селах, показали, что у населения основные проблемы связаны с вопросами безработицы, питьевой воды, газоснабжения, дорог, жилья, предпринимательства, кредитования, образования, медицины и материальной помощи. Поэтому решению этих проблем уделяется особое внимание.

В Каракалпакстане обеспечение населения достойной работой и доходами, сокращение бедности являются одними из наиболее острых и актуальных проблем. В связи с этим отрадно, что именно в этом году в 424 махаллях и аулах Каракалпакстана 848 молодых людей начали работать помощниками хокимов и лидерами молодежи. Помощники хокимов уже в 2022 году наметили создать 6 тыс. 200 новых субъектов предпринимательства, 64 тыс. рабочих мест, обучить профессии 11 тыс. безработных. На решение этих задач предусмотрено выделение 650 млрд. сумов льготных кредитов и 127 млрд. сумов субсидий. Развитие малого бизнеса и сферы услуг имеет первостепенное значение для обеспечения занятости населения и сокращения бедности. Поэтому в 2022 году в Каракалпакстане на эти цели коммерческие банки выделят 1,6 трлн. сумов кредитных ресурсов.

В этом году помощь в развитии Каракалпакстана также оказывают хокимияты областей и города Ташкента, которыми уже начаты работы по реализации разработанных ими 318 проектов общей стоимостью 524млн. долларов, в результате которых будет создано более 18 тыс. новых рабочих мест. В районы Каракалпакстана уже стали приезжать представители закрепленных регионов. Например, первые 6 предпринимателей из Намангана в Караузаке взяли землю и сажают деревья. В целом, наманганцы хотят возделывать землю на площади 10 тыс. гектаров. Подготовлены 17 проектов в промышленности и других направлениях. В результате будут созданы 875 новых рабочих мест. В сотрудничестве с предприятиями Art soft, Ideal, Adim, «Чуст текстиль», «Наманган пахта текс», «Ифтихор кийим саноат», «Тўкимачи саноат текстиль» в Караузакском районе создано швейное предприятие. В нем 300 женщин обеспечены работой. Таких примеров уже очень много.

В развитии региона локализация также имеет важную роль. В целях стимулирования создается специальный фонд. Из средств фонда предоставляются субсидии и налоговые льготы местным предпринимателям, которые производят импортозамещающую продукцию и эффективно работают [6].

Желательно, чтобы хокимы и руководители соответствующих органов власти обратили внимание на один важный аспект решения социально-экономических вопросов. Дело в том, что бывают ситуации, когда за счет меньших денежных средств и времени возможно решить значительное количество проблем. Например, в процессе изучения обращений жителей Каракалпакстана выяснилось, что газоснабжение более 13 тысяч квартир в 64 махаллях может быть восстановлено при относительно низких затратах за короткое время за счет того, что эти махалли расположены недалеко от магистральных газопроводов. Было решено, что организация «Худудгазтаъминот» завершит эти работы до осени.

**Анализ и результаты**. Важное значение для развитии экономики Каракалпакстана, обеспечении занятости и благосостояния населения имеет сельское хозяйство. Поэтому разработаны меры по созданию в этом году 20 тыс. постоянных и 78 тыс. сезонных рабочих мест в аграрном секторе. В частности, в 2022 году проводятся работы по возвращению в оборот земель на площади в 37 тыс. гектаров, которые ранее вышли из оборота, в том числе 24 тыс. гектаров предпринимателями из регионов. В целом, ожидается, что благодаря поддержке из других регионов в течение следующих трех лет вернутся в оборот 92,5 тыс. гектаров земли, благодаря чему будут созданы десятки тысяч новых рабочих мест и внесен значительный вклад в сокращение бедности.

Еще одно новшество внедряется в этом году в аграрном секторе. За счет сокращения хлопковых и зерновых площадей на конкурсной основе выделяются 8 тыс. гектаров земли людям, внесенным в «Железную тетрадь».

По предложению Президента Шавката Мирзиёева, начиная с февраля, в Каракалпакстане введено бесплатное питание 139 тыс. учащихся начальных классов всех школ. Для этого в 2022 году было выделено 100 млрд. сумов [7].

На реконструкцию 15 устаревших детских садов в Каракалпакстане из бюджета республики были выделены дополнительно 57 млрд. сумов. Вместе с тем, в Каракалпакстане 135 школ требуют ремонта, в 175-ти нет спортзала, а в 320-ти нет кухни или буфета. Поэтому еще раз будет проведено углубленное изучение состояния школ и приняты меры по ремонту и улучшению инфраструктуры городов и районов за счет дополнительных поступлений из местного бюджета.

Повышение качества среднего образования во многом зависит от квалификации учителей. В течение многих лет в Каракалпакстане этому вопросу не уделялось достаточного внимания. В результате половина из 37300 учителей, работающих сегодня, вообще не имеют квалификационной категории. Только 4 процента учителей имеют высшую категорию, а 2600 учителей — среднее специальное образование. В целях улучшения ситуации Каракалпакский государственный университет и Нукусский государственный педагогический институт создали «мобильные методические группы», и до конца года в 85 школах с низким качеством обучения будет реализовано в онлайн-системе повышение квалификации педагогов и директоров школ, в том числе через платформу «Непрерывное профессиональное образование».

В текущем году из бюджета выделено почти 1,3 трлн. сумов медицинскому сектору. Это в 4,5 раза больше, чем в 2016 году. В 2022 году медицинские учреждения будут обеспечены 2,5 тыс. единиц оборудования стоимостью 14 млн. долларов. Например, больницы Кунградского, Турткульского и Чимбайского районов будут оснащены компьютерными томографами, оборудованием для ультразвуковой диагностики, цифровым рентгеном, Нукусский центр неотложной медицинской помощи получит ангиографы, а перинаталь-

ные центры Чимбайского, Берунийского, Кунградского и Кегейлийского районов – аппараты наркоза и т.д.

В Каракалпакстане, как и во всей стране, уделяется большое внимание решению проблем молодежи. Молодые, энергичные и амбициозные лидеры в 424 махаллях становятся надежными помощниками в изучении и решении проблем молодежи региона. В настоящее время молодежные лидеры формируют «молодежный баланс» махаллей. На основе этого баланса в каждой махалле, ауле, тумане и республике будет разработана и реализована «Национальная программа молодежи».

Ежегодно на рынок труда региона выходят 30 тыс. молодых людей. В связи с этим посредством «Ёшлар дафтари» в 2022 году с помощью профессионального и предпринимательского обучения 54 тыс. молодых людей будут обеспечены работой и источником дохода.

Исходя из обозначенных главой государства задач после глубокого изучения состояния социальных объектов, дорожно-транспортных и инженерно-коммуникационных сетей, аграрного сектора и других отраслей разработана программа, рассчитанная на предстоящие три года.

Выполнение масштабной программы обсуждено на видеоселекторном совещании под председательством Президента, посвященном вопросам социально-экономического развития Каракалпакстана. Глава государства отметил, что никогда в Каракалпакстан не инвестировалось 523 миллиона долларов. Дал указания, что и как нужно сделать, чтобы принятое решение не осталось на бумаге [9].

Действительно, программу по развитию северного региона можно отнести к грандиозным. Принятие Президентом постановления [8] свидетельствует о том, что страна способна осуществить любого масштаба и размаха реформы, обновить уклад, условия жизни народа. Проект данного постановления прошел всестороннее обсуждение. В нем первостепенное внимание уделено улучшению окружающей среды и ускоренному развитию всех сфер с определением «точек роста» всех городов и районов, в которых людям будет комфортно и радостно воспринимать каждый наступивший день.

На основе постановления предусмотрено реализовать в 2020-2023 годах огромный пласт работы на 21 триллион 209 миллиардов сумов. Преобразования охватят 2 788 объектов [10]. В частности, для организации территориальных инвестиционных зон и промышленных кластеров будет реализовано 1 359 проектов на 12,3 триллиона сумов. Будут освоены также 712 миллионов долларов иностранных инвестиций и кредитных средств. В соответствии с программой намечен выпуск девяти новых видов продукции, о производстве которых в регионе раньше даже не помышляли [11].

**Заключение**. В заключение можно констатировать, что проводимые в Каракалпакстане реформы приобретают все более широкий размах. Нет сомнений, что они выведут социально-экономическое развитие республики на новый уровень, создадут прочную основу для резкого повышения уровня жизни населения.

Осуществляемые под руководством Президента нашей страны широкомасштабные реформы служат прочным фундаментом для стабильного развития экономики и повышения благосостояния народа. Республика Каракалпакстан, при бывшем строе оказавшаяся на обочине истории как неразвитый регион, сегодня уверенно продвигается к светлому будущему.

**ПРИЛОЖЕНИЕ**




https://review.uz/post/infografika-socialno-ekonomicheskoe-razvitie-respubliki-karakalpakstan-za-pyat-let

**ЛИТЕРАТУРА**


1. Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 72 сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций, 19.09.2017 г.
2. Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 75 сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций, 23.09.2020 г.
3. https://review.uz/post/pochti-583-tsyachi-semey-isklyuchen-iz-reestra-jeleznoy-tetradi
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по созданию «зеленого покрова» — защитных лесов на высохшем дне Аральского моря и в Приаралье» от 18 января 2022 года №31
5. Предвыборная программа кандидата в президенты Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева, 2021 г.

6. Крутиков В.К., Зайцев Ю.В., Дорожкина Т.В., Костина О.И., Федорова О.Ф. Управление социально-экономическим развитием территорий. / Учебно-методическое пособие. - Калуга: Из-во «Ваш дом», 2015.
7. Новый Узбекистан - страна демократических преобразований, больших возможностей и практических дел. Интервью Президента Узбекистана Ш. Мирзиёева газете «Янги Ўзбекистон». [Электронный ресурс]. URL: https://review.uz/post/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-mkoniyatlar - va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda (дата обращения: 24.10.2021).
8. Постановление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О мерах по комплексному социально-экономическому развитию Республики Каракалпакстан в 2020—2023 годах» от 11.11.2020 г. № ПП-4889
9. Видеоселекторное совещание по вопросам социально-экономического развития Каракалпакстана gод председательством Президента Шавката Мирзиёева, 10 ноября 2020 г.
10. Речь Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на Внеочередной сессии Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, 02.10.2020г.
11. Республика Каракалпакстан: грандиозная программа преобразований. Интервью Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан Кахрамона Сариева. «Народное слово» №242 (7713) от 18 ноября 2020 г.

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/10/1]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
https://science.nuu.uz/
Social sciences

**УДК:944.265**

***Рахмон МУХАММАДИЕВ,***
*Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси, (PhD)*
*E-mail: m.raxmon@nuu.uz*

*ЎзМУ профессори, тарих фанлари доктори З.Р.Ишанходжаева тақризи асосида*

**RELATIONS BETWEEN USMAN YUSUPOV AND NIKITA KHRUSCHEV**

Annotation
The article considers and analyzes the contradictory relations of U. Yusupov - the first secretary of the Communist Party (b) of the Uzbek SSR in 1937-1950, the Minister of Cotton Production in 1950-1953, the Chairman of the Council of Ministers of Uzbekistan and N. Khruschev - the first secretary of the Communist Party (b) Ukrainian SSR in 1947-1949., Chairman in 1949-1953. Secretary of the Central Committee of the Moscow Region, General Secretary of the CPSU in 1953-1964 The article is based on periodicals, memoirs and historical sources.
**Keywords:** Usman Yusupov, Nikita Khruschev, contradictions, relations, party, leadership, politics, Uzbekistan, Ukraine, Stalin, Beria, republic, agriculture, cotton growing.

**ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ УСМАН ЮСУПОВЫМ И НИКИТА ХРУЩЕВОМ**

Аннотация
В статье рассматривается и анализируется противоречивые отношения У. Юсупова – первого секретаря КП(б) Узбекской ССР в 1937-1950 гг., министра хлопководства в 1950-1953 гг., Председателя Совета Министров Узбекистана и Н. Хрущева - первого секретаря КП(б) Украинской ССР в 1947-1949 гг., председателя в 1949-1953 гг. секретаря ЦК Московской области, генерального секретая КПСС в 1953-1964 гг. Статья основана на материалах периодической печати, мемуарах и исторических источниках.
**Ключевые слова:** Усман Юсупов, Никита Хрущев, противоречия, отношения, партия, руководство, политика, Узбекистан, Украина, Сталин, Берия, республика, сельское хозяйство, хлопководство.

**УСМОН ЮСУПОВ ВА НИКИТА ХРУШЧЕВ МУНОСАБАТЛАРИ**

Аннотация
Мазкур мақолада 1937-1950 йилларда Ўзбекистон ССР КП(б) МҚ биринчи котиби, 1950-1953 йилларда иттифоқ Пахтачилик министри ҳамда 1953-1954 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар совети раиси лавозимларида ишлаган Усмон Юсупов ва 1947-1949 йилларда Украина ССР КП(б) МҚ биринчи котиби, 1949-1953 йилларда Москва вилоят КП(б) МҚ биринчи котиби, 1953-1964 йилларда совет иттифоқи КП(б) МҚ биринчи котиби лавозимларида ишлаган Никита Хрушчевнинг ўзаро зиддиятли муносабатлари даврий матбуот материаллари, тарихий, хотира асарлардаги маълумотлар ўрганилиб таҳлил қилинган.
**Калит сўзлар:** Усмон Юсупов, Никита Хрушчев, зиддият, муносабат, партия, раҳбарлик, сиёсат, Ўзбекистон, Украина, Сталин, Берия, республика, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик.

**Кириш.** Тарих ўзаро зиддиятли, бир-бирига нисбатан салбий муносабатда бўлган қабилалар, турли гуруҳ, ташкилотлар, давлатлар ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳада фаолият олиб борган жамиятда ўз ўрнига эга бўлган лидер шахсларнинг ўзаро муносабатларига шоҳид бўлган. Иттифоқнинг аҳоли нуфуси, илғор қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариш жиҳатидан етакчи республикалари бўлган Ўзбекистон ССР ва Украина ССРнинг совет ҳокимияти йилларидаги раҳбарлари Усмон Юсупов ҳамда Никита Хрушчевнинг ўз сиёсий фаолиятлари давомида юзага келган зиддиятли қарама-қаршилиги тарихнинг мана шундай ўзига хос мисолидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Совет даври сиёсий элитасининг тарихи бир қатор маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан ўрганилган, бугунги кунда ҳам тарихнинг бу йўналишида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан совет даври сиёсий элитасининг вакиллари бўлган Усмон Юсупов ва Никита Хрушчев муносабатлари Н.А.Муҳитдинов [1], А.Абдураззоқов [10] сингари Усмон Юсуповнинг ҳамкасби, шогирди бўлган шахслар томонидан холисона баён қилинган. Хорижлик олимлар Уильям Таубман [3], Donald S. Carlisle [12], Б.Ресков, Г.Седов [16] ўз тадқиқотларида Усмон Юсупов ва Никита Хрушчев муносабатларини совет даври партиявий бошқарув нуқтаи назаридан ёритиб беришган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада умум қабул қилинган усуллар тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида совет даврининг икки сиёсий раҳбари Усмон Юсупов ва Никита Хрушчевнинг ўзаро муносабатлари баён қилинган.

**Таҳлил ва натижалар.** Усмон Юсупов ва Никита Хрушчев ўз миллий республикаларига раҳбарлик қилган пайтда дўстона муносабатда бўлишган. Усмон Юсупов 1937-1950 йилларда Ўзбекистон ССР коммунистик партияси биринчи котиби бўлган бўлса, Никита Хрушчев 1938-1949 йилларда Украина ССР коммунистик партияси биринчи котиби, министрлар совети раиси ва халқ комиссарлари совети раиси лавозимларида ишлаган. Улар ҳар сафар хизмат сафари юзасидан Москвага келганларида ўзаро бир-бирлариникида меҳмон бўлиб, Тошкент - Киев ўртасида телефон орқали мулоқот ҳам қилиб туришган [1]. Улар ўртасидаги зиддиятли муносабат биринчи марта 1947 йилда содир бўлган. Шу йилнинг 21-26 февраль кунлари ВКП(б) МҚ Пленими бўлиб, унда “Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида”ги масала кўриб чиқилган. Пленумда биринчи бўлиб, А.А.Андреев ҳисобот маърузаси қилади ва олти кун мобайнида қишлоқ хўжалигидаги оғир аҳвол ва унинг тараққиётини жадаллаштириш йўллари ҳар томонлама муҳокама қилинади.

Пленум якуни бўйича ўн бўлим ва 157 банддан иборат кенгайтирилган қарор қабул қилинган [2].

Асосий маърузадан сўнг биринчи бўлиб Н.С.Хрушчев нутқ сўзлаган. Пленумга раҳбарлик қилаётган И.В.Сталин, Хрушчевнинг нутқини кескин саволлар билан тез-тез бўлиб ташлаб, ишидан қониқмаётганлигини, бу иттифоқнинг энг бой жумҳуриятларидан бўлган Украина қишлоқ хўжалигида, айниқса дон, қанд, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи бўлган жумҳуриятни судралишига нима сабаб бўлаётганлигини аниқ сўрайди. Сталиннинг Н.С.Хрушчев маърузасидан қониқмаганлигининг яна бир сабаби, ушбу Пленумда бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ҳақида асосий маъруза қилиш дастлаб Н.С.Хрушчевга юклатилган бўлган. Сабаби урушдан кейин Украина халқ хўжалигида аҳвол анчайин жиддий тус олган бўлиб, одамларга очарчилик балоси хавф солаётган эди. Фақат Н.С.Хрушчевнинг ўзи мен Украина қишлоқ хўжалиги аҳволидан бошқа иттифоқдош республикалар қишлоқ хўжалигидан умуман хабардор эмасман, балки бу ишни Г.М.Маленковга юклатарсиз дегандан сўнг, Сталин маъруза қилиш вазифасини А.А.Андреевга топширган. Бу ерда Хрушчев аввалдан мавжуд муғомбирликка асосланган “камтаринлик” ниқоби остига яширинган, ўз қобилиятини паст баҳолаш услубини қўллайди. У ҳеч қачон Марказий Осиёда бўлмаган бўлсада, бироқ, ҳисобот маърузасини тайёрлашда у ерда бўлган ёрдамчилар маслаҳатларидан фойдаланиши мумкин эди. Гап бу ерда бошқа масалада эди. Ҳисобот маърузасини таклиф қилиш аслида Никита Хрушчев учун тузоқ эди. Қишлоқ хўжалигига бағишланган маърузада Н.С.Хрушчев Сталин билан келишмовчиликлари ҳақида очиқчасига ва Украинадаги аниқ оқибатлар билан гаплашиши ёки улар муаммоларни бутунлай унутиши керак эди [3].

Бир қанча мунозаралардан сўнг, Сталин охир оқибат Н.С.Хрушчев учун рози бўлиб, ҳисоботни маърузасини тайёрлашни бошқа одамга, аниқроғи А.А.Андреевга топширади. Аммо, у маъруза пайтида Н.С.Хрушчевдан Андрей Андреевнинг нутки ҳақида қандай фикрда эканлигини сўраганда, Н.С.Хрушчев ҳамкасб дўстини танқид қилишдан ўзини тийиб туролмайди. Шунда “мана сиз маъруза қилишдан бош тортдингиз ва яна ҳозир бошқаларни танқид қиляпсиз” - дейди Сталин [3].

Хрушчев Андреевни ўзини ҳимоя қилиш учун танқид қилади. Андреев унинг Украина қишлоқ хўжалигига эътиборсиз раҳбарлигини маъқулламаслигини, жумҳуриятдаги аҳвол учун асосий айбдор сифатида ўзини кўрсатишини яхши билган. Шунинг учун ҳам у маъруза пайтида “энг яхши ҳимоя ҳужум” қабилида бошқаларни танқид қилишга ўтади. Маърузаси чоғида у иккита нарсани таъкидлайди: Украинага экиладиган уруғлик ғалла ва жўхори учун зарур бўлган фоизни ажратиш ва давлат квоталарига мувофиқ баҳорги буғдой ҳосилини табиий офатларни ҳисобга олган ҳолда донни давлатга топшириш муддатини кечиктириш зарурлиги. Унинг бу жасорати кутилмаганда вазиятдан чиқишига ёрдам беради. “Тўсатдан, - дейди Н.С.Хрушчев, - Сталиннинг ўзи Украинага ёрдам керак деган масалани кўтарди”. Бу ҳақда Хрушчев ўзининг “Воспоминания” деб номланган хотира китобида қайд этиб ўтган [4]. Балки шу сабаб ҳам Сталин Н.С.Хрушчевнинг маърузасидан қониқмасдан, уни қаттиқ танқид қилган бўлиши эҳтимол.

Пленумда Никита Хрушчевдан кейин иккинчи бўлиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби Усмон Юсупов маъруза қилган. У Ўзбекистонда пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тараққиёти тўғрисида қисқача гапиргач, Н.С.Хрушчевни танқид қилиб, Украина қишлоқ хўжалиги қолоқлиги учун шахсан у масъулиятли эканлигини таъкидлайди. Шундан кейин, Ўзбекистон ССР Украина ССРга мутахассислар, тракторлар, юк автомобиллари, отулов ва бошқалардан ёрдам кўрсатишга тайёр, дейди. Бу гап Сталинга маъқул келиб, Усмон Юсуповни мақтайди ва Н.С.Хрушчевни турли баҳоналар ўйлаб топишда айблайди [5].

1947 йил феврал пленумидаги Усмон Юсуповнинг танқидлари, Сталиннинг норози кайфияти тез орада ўз натижасини кўрсатади. Шу йилнинг март ойида Украина Коммунистик партияси Марказий Комитети партиялар ва ҳукумат раҳбарларининг лавозимларини бўлиш йўли билан “партия ва давлат ишларини кучайтиришга” доир қарор қабул қилади. Л.М.Каганович Марказий Комитетнинг биринчи котиби этиб сайланади, Н.С.Хрушчев эса фақат Киев шаҳар комитети ва вилоят қўмитасининг биринчи котиби бўлиб қолади. Н.С.Хрушчевнинг Марказий Қўмита йиғилишидаги нутқи ҳам кутилмаганда камтарона ўтади. Одатдаги ҳазиллар, мақоллар ва ҳамкасбларига қаратилган танқидлар ўрнига, у тўсатдан “ўзини танқид килиш билан бошлаб”, “қишлоқ хўжалигидаги, партия ва хукумат раҳбариятидаги жиддий хатолар, Украинадаги мавжуд муаммолар” ҳақида гапиради [6].

Февраль пленуми воқеалари ва унда Усмон Юсуповнинг Н.С.Хрушчевга нисбатан танқидий гаплари ва Сталиннинг қониқмаслик кайфияти, қолаверса, ўзини марказдаги етакчилар қаторида кўришни орзу қилиб юрган Н.С.Хрушчевни тўсатдан Украинада иккинчи одамга айланиб қолиши, шубҳасиз унда ўзига оид маълум бир хулосага келишда “катта оғаларга” туртки берган Усмон Юсуповга нисбатан адоват пайдо бўлишига олиб келган.

Усмон Юсупов ва Никита Хрушчев ўртасидаги иккинчи зиддиятли вазият 1952 йилда Усмон Юсупов иттифоқ Пахтачилик министри бўлиб ишлаб юрган кезларда содир бўлган. 1950 йил 5 апрелда иттифоқ Пахталик вазирлиги ташкил этилиб, унга Усмон Юсупов раҳбар этиб тайинланган [7]. Никита Хрушчев эса бу вақтда бутуниттифоқ коммунистик партияси марказий қўмитаси котиби эди. Натижада, иттифоқнинг халқ хўжалигида ўз ўрнига эга бўлган иккита миллий республиканинг партия вакиллари Москвада ўзаро муносабатларни ойдинлаштириш учун янада бирбирларига яқинлашишади. Пахта хом ашёсига бўлган юқори эҳтиёж, Усмон Юсупов бошчилигидаги иттифоқ Пахтачилик вазирлигидан пахта экиш учун қулай иқлим шароитли янги майдонларни ўзлаштириш вазифасини ҳал этишни талаб қиларди. Бир қанча ўрганишлардан кейин Иттифоқ ҳукумати пахтачилик вазирлигининг таклифи билан 1951 йилда РСФСР, Украина ва Молдавия ССРнинг жанубий вилоятларида пахта экиш тўғрисида қарор қабул қилган.

1952 йилда Украинада пахта ҳосили яхши бўлмайди, шу билан биргаликда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам орқада қолишлар юзага келади. Усмон Юсупов шу соҳага масъул сифатида барча пахта экувчи жумҳуриятлардан пахта режасини бажаришни талаб қилган. Ўзаро муносабатлари яхши бўлмаган ва 1947 йилги воқеалар пайт пойлаб юрган Н.С.Хрушчев бундай вазиятда реванш олиш имкониятини қўлдан бой беришни ҳоҳламаслиги тайин эди. Н.С.Хрушчев бу ишнинг якунини И.В.Сталинга маълум қилиб, Украинадаги кўпгина жамоа ва давлат хўжаликлари вайрон бўлганлиги, ерларнинг унумдорлиги пасайиб, асрлар мобайнида етиштирилган юксак ҳосилли дон ва техник экинларни ишлаб чиқариш кескин камайганлиги, деҳқонларнинг моддий фаровонлиги ёмонлашганлиги ва бошқа хунук оқибатлар ҳақида ҳисобот берган. Шундан сўнг Сталин ўзининг илгариги қарорини бекор қилиб, бу зоналарда пахта экишни тақиқлаб, Пахтачилик

министрлигига қаттиқ танбеҳ берган [8]. Н.С.Хрушчев ўз режалари бўйича Усмон Юсуповни И.В.Сталин томонидан қаттиқ жазоланишини кутган. Аммо, бундай бўлмайди. Сабаби, И.В.Сталин Усмон Юсупов бошчилигидаги Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фидокорона фронт орти меҳнатларини юксак қадрланган.

Украинада пахта етиштириш масаласи ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда пахта экиш тажриба ёки янгилик эмас эди. Аслида Украинада ХХ асрнинг 30-йилларидан бошлаб пахта етиштириб келинган. Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда Украинанинг жанубий ҳудудларида Қрим билан биргаликда ҳисоблаганда 260 гектар ерга пахта экилган ва йилига ўртача 100 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилган. Урушдан сўнг 1952 йилга келиб, Украина республикасида пахта экиладиган суғорма майдонлар миқдори 475 минг гектарга етказилган. 1956 йилга келганда Ўрта Осиё республикалари ва Кавказортида пахта етиштиришнинг кўчайтирилиши муносабати билан қолаверса, Украина деҳқонларининг лалми ерларда пахта етиштириб бўлмайди деган баҳоналари-ю ва кам ҳосиллик сабаб, Хрушёвнинг ташаббуси билан Украина пахта экиш бутунлай тўхтатилган [9].

Пахта етиштириш жаҳондаги энг мураккаб деҳқончилик тури бўлиб, 8-9 ой давомида муттасил меҳнат қилади. Бундай меҳнат турининг машаққатларига кўникмаган Украина деҳқонлари, хўжалик ва ҳукумат раҳбарлари Украина пахта етиштириб бўлмайди дейишганда, иттифоқ Пахтачилик министрлигининг талабчанлиги оғир ботган кўпгина юқори партия раҳбарларида жумладан, Н.С.Хрушчевда Усмон Юсуповга нисбатан салбий муносабатлар пайдо бўлган [10]. Бу муносабат кейинчалик ўз кучини кўрсатган. 1953 йилнинг март ойида И.В.Сталиннинг ўлимидан сўнг, Москвада сиёсий нотинчликлар даври бошланади, ўзининг сиёсий имкониятлари ва атрофидаги яқин кишиларнинг кўмаги билан 1953-1954 йилларда Н.С.Хрушчев Иттифоқ Компартияси биринчи котиби лавозимини эгаллаган. Шундан кейин, Ўзбекистон сиёсий элитасида ҳам параллел жараёнлар содир бўлган. 1953 йил 15 мартда иттифоқ Пахтачилик Министрлиги тугатилади ва Усмон Юсупов Тошкентга қайтариб юборилади [11].

Миллий республикаларда ўзига ҳайриҳоҳ бўлган партия вакилларини асосий лавозимларга тайинлаб, шу орқали марказда ҳокимиятини мустаҳкамламоқчи бўлган Л.П.Берия Усмон Юсуповни шахсан ўзи Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси лавозимига тавсия қилади. Бу лавозимда ишлаб келган Нуриддин Мухитдинов лавозимидан бўшатилиб, министрнинг биринчи ўринбосари этиб тайинланади. Ўзбекистон ССР сиёсий элитасида И.В.Сталин вафотидан кейинги беш йиллик даврда катта ўзгаришлар рўй беради. Аввало, партиянинг Москвадаги олий раҳбарлари қарори билан республикага қайтарилган Министрлар Совети раиси Усмон Юсупов, Н.С.Хрушчевни ўтмишдаги рақиби ҳамда, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга бўлган ўзгача қарашлари туфайли сиёсий фаолиятдан четлаштирилган [12].

Қўшни тожикистонлик пахтакор олимлар томонидан кашф қилиниб, айрим сохта “пахта усталари” томонидан қўллаб-кувватланган квадрат уялаб экиш либерализм тарафдори бўлган Н.С.Хрушчев маъқул келади. Пахтани янгича 45x45 тизимида экиш барча пахтакор республикаларда қизғин муҳокама қилинади. Усмон Юсупов эса ўзининг бир неча йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бу усулга бутунлай қарши бўлган. Пахта қатор орасини 60 сантиметрдан яқин қилиб экиш, Ўрта Осиё шароитига бутунлай тўғри келмаслиги фикрида қатъий туриб, яккаланиб қолган Усмон Юсупов аламзада Н.С.Хрушчев томонидан янгиликка қарши “пессимист” деб айбланиб, Ўзбекистон ССР Министлар Совети раиси лавозимидан олинган [13].

Аслида Усмон Юсуповнинг пахтани квадрат уялаб экиш тажрибасига қарши бўлганлиги Н.С.Хрушчев сиёсатининг амалга ошириш керак бўлган режасининг бир қисми, баҳона бўлган холос. Н.С.Хрушчев миллий республикалар ичида биринчи навбатда, марказдаги амалдорлар билан яхши муносабатда бўлган Усмон Юсуповни ўзига сиёсий рақиблардан бири сифатида кўрган. Н.С.Хрушчевнинг мақсади Тошкентга келиб, бир қанча ўзига ҳайриҳоҳ ва Усмон Юсуповга қарши партия вакиллари муҳокамаси орқали, уни халқ олдида обрўсизлантиришдан иборат бўлган. Фикримизни исботи сифатида 1955-1957 йилларда Ўзбекистон Компартияси биринчи котиби бўлган Нуриддин Муҳитдиновнинг 1992 йил “Шарқ юлдузи” журналининг биринчи сонида “Усмон Юсупов” сарлавҳаси билан эълон қилинган мақоласидаги жумлаларни келтирамиз: “...Никита Сергеевич Тожикистондан Тошкентга катта режалар билан келди – у жумҳурият билан ҳар томонлама танишишни, биринчи навбатда кадрларни назардан ўтказишни ўйлади. Шу жумладан, ходимларнинг Юсуповга муносабатини билмоқчи бўлди. Тошкентга келгунга қадар, у сўзсиз Бериянинг шериклари берган гувоҳликларни ўқиган. Ҳамрокул Турсунқулов раислик қилаётган жамоа хўжалигида ва Тошкентдаги жумҳурият фаоллари йиғилишида раҳбар ходимларнинг ўзи Усмон Юсуповни танқид қилиб, уни пахтачиликни механизациялаштиришга қаршилик кўрсатаётганликда, илғор ишлар йўлида ғов бўлаётганликда ва бошқа гуноҳларда айблаганликлари, унда Ўзбекистон раҳбарлари бу гувоҳликларни қараб чиқишлари ва Усмон Юсуповни партия ва давлат масъулиятига тортишлари мумкин, деган фикр шаклланишига асос бўлди. Шу сабабли Хрушчев Москвага қайтгач, мазкур хужжатни танишиш ва қараб чиқиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси раҳбарларига юборилди...” [14].

1954 йил 18 декабрда КПСС Марказий Комитети биринчи секретари Никита Хрушчёв бошчилигида Тошкентда йиғилиш ўтказилиб, унда 54 ёшли Усмон Юсупов ноҳақ равишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси лавозимидан олиб ташланади ҳамда кейинчалик у Мирзачўлдаги “Боёвут” совхозига директор қилиб жўнатилади [15]. Агар ўша вақтда Усмон Юсупов ўзи ҳоҳлаганида бирон бир дипломатик бўлимда ёки матлубот кооперациясида кичикроқ раҳбар лавозимида ишлаши мумкин эди. Бироқ, бундай лавозимда қолиб ишлаш учун Усмон Юсупов партия ва ҳукуматнинг юқори лавозимдаги раҳбарларига илтимос қилиши ва уларнинг айтганларини сўзсиз бажариши керак бўларди [16]. Усмон Юсуповни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси лавозимидан олиниб, кичик бир совхозга директор қилиб юборилиши ўша даврда шубҳасиз республика даражасидаги сиёсий раҳбар шахс учун сургун қилинишдек аҳамиятга эга эди.

**Хулоса ва таклифлар.** Усмон Юсупов сиёсий фаолиятдан кетгандан кейин ҳам унга бўлган тазйиқлар, босимлар тўхтамаган. Никита Хрушчев доимий равишда маҳаллий партия вакилларининг “ахборотлари” асосида уни марказ назоратида тутиб тўришга ҳаракат қилган. Ҳар гал Москвадан Ўзбекистонга келган партия ходимлари Усмон Юсупов билан эски таниш сифатида учрашишгандан кейин, албатта унга Москва ёки Тошкентдан телефон қилиниб, дўқ-пўписалар қилинган. Шундай оғир шароитларда ва Марказнинг доимий босими остида Усмон Юсупов Ўзбекистоннинг манфаатини ҳимоя қилишга, республика иқтисодининг ривожланиши ва халқнинг турмуш даражасини кўтаришга бор кучини сарфлаган.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Муҳитдинов. Н.А. Усмон Юсупов // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №1. – Б. 165.
2. Протокол №9 заседания Пленума ЦК ВКП(б) от 21, 22, 24, 26 февраля 1947 года. http://ргани.рф/fond-2-opis-1-plenumy-ck-vkpb-kpss-xviii-xix-xx-xxii-sozyvov.
3. Уильям Таубман. Хрущев. Жизнь замечательных людей. Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 2008. – С. 224.
4. Хрущев Н.С. Воспоминания. – Москва: Вагриус, 1997. – С. 406.
5. Муҳитдинов. Н.А. Усмон Юсупов // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №1. – Б. 166.
6. Уильям Таубман. Хрущев. Жизнь замечательных людей. Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 2008. – С. 226.
7. Қизил Ўзбекистон. 7 апрел 1950 йил. №81.
8. Муҳитдинов. Н.А. Усмон Юсупов // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №1. – Б. 167.
9. http://nado.znate.ru/Хлопководство/ История хлопководство в Украине.
10. Абдураззоқов А. Абадий барҳаёт сиймолар. – Тошкент: Турон-иқбол, 2019. – Б. 37.
11. Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного Совета СССР. 1938 - 1956 гг. // под ред. Мандельштам Ю.И. – Москва: Государственное издательство юридической литературы, 1956. – С. 78.
12. Donald S. Carlisle. The Uzbek Power Elite: Politburo and secretariat (1938-83). Central Asian Survey. Vol. 5. No. 3/4. 1986. – P. 106.
13. Абдураззоқов А. Абадий барҳаёт сиймолар. – Тошкент: Турон-иқбол, 2019. – Б. 38.
14. Муҳитдинов. Н.А. Усмон Юсупов // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №1. – Б. 169.
15. Ўзбекистон ССР раҳбариятининг ижтимоий ва сиёсий фаолияти (1945-1983 йиллар). Масъул муҳаррир: Қ.Ражабов. – Тошкент: Фан, 2020. – Б. 223.
16. Ресков Б., Седов Г. Усман Юсупов: Жизнь замечательных людей: Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 1976. – С. 237.

O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/10/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:910.4(584.4)

***Эрки ТАММИКСААР,***
*Тарту университети ва Эстония Табиий фанлар университети профессори (Эстония)*
***Таави ПАЭ,***
*Тарту университети профессори (Эстония)*
***Зокиржон САИДБОБОЕВ,***
*Ўзбекистон Миллий университети профессори*
*E-mail: Saidboboev@rambler.ru*

*тарих фанлари доктори (DSc) М. Ҳамидова тақризи асосида*

## ALEKSANDR MIDDENDORF'S TRAVEL TO FERGHANA VALLEY

Abstract
The article examines the scientific activities of Alexander von Middendorf, one of these scientists, who visited the region at the invitation of the colonial administration in the last quarter of the 19th century. Analyzed on the basis of archival documents, various literatures, as well as personal correspondence, questions related to travel, the tasks of his research, as well as "Essays on the Fergana Valley", which reflects the main results of the scientist after the scientific expedition. The importance of the conclusions of the scientific works of A.f. Middendorf, which have not lost their relevance for the history of science, aspects of historical, economic and natural science knowledge of the region.
**Key words:** Alexandr von Middendorf, Turkestan, Ferghana, expedition, K.P. Kaufman, P.P. Semenov, "Sketches of the Ferghana valley", nature, climate, science, agriculture, animal husbandry, taxation.

## ПУТЕШЕСТВИЯ АЛЕКСАНДРА ФОН МИДДЕНДОРФА В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Аннотация
В статье рассматриваются научную деятельность Александра фон Миддендорфа, ученого, посетивший регион по приглашению колониальной администрации в последней четверти XIX века. Анализируется на основе архивных документов, различных литератур, а также личной переписки вопросы связанные о путешествия, задачи его исследований, а также "Очерки Ферганской долины", которое отражена основные результаты ученого после научной экспедиции. Обоснована важность выводы научных работ А.ф. Миддендорфа не утратившие свой актуальности для истории науки, аспекты историко-экономическое и естествознанческое познания края.
**Ключевый слова:** Александр фон Миддендорф, Туркестан, Фергана, экспедиция, К.П. Кауфман, П.П. Семенов, "Очерки Ферганской долины", природа, климат, наука, земледелия, животноводства, налоги.

## АЛЕКСАНДР ФОН МИДДЕНДОРФНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА САЁҲАТИ

Аннотация
Мақолада XIX асрнинг сўнгги чорагида мустамлака маъмуриятининг таклифи билан минтақага ташриф буюрган олим Александар фон Миддендорфнинг илмий фаолияти кўриб чиқилган. Архив ҳужжатлари, турли адабиётлар, шахсий ёзишмалар асосида саёҳатга оид масалалар, тадқиқот мақсади, шунингдек, экспедиция илмий натижалари акс этган "Фарғона водийси очерклари" асари таҳлил этилган. А.ф. Миддендорфнинг илмий ишлари фан тарихи, ўлкани тарихий-иқтисодий ва табиий жиҳатдан ўрганиш борасида ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги асосланган.
**Калит сўзлар:** Александр фон Миддендорф, Туркистон, Фарғона, экспедиция, К.П. Кауфман, П.П. Семёнов, "Фарғона водийси очерклари", табиат, иқлим, фан, деҳқончилик, чорвачилик, солиқлар.

**Кириш.** Россия империяси Туркистонни мустамлакага айлантиргач, ўлкани бошқариш, улкан номаълум ҳудуднинг табиий ва хўжалик имкониятларини том маънода ўрганиш зарурияти бош масала бўлиб қолди. Чунки Туркистон минтақаси ўзининг маданияти, қолаверса, табиий хилма-хиллиги, иқлим шарт-шароитлари, ер-сув муносабатлари, деҳқончилик анъаналари билан Россия бунга қадар эгаллаган бошқа ҳудудлардан кескин фарқ қиларди. Шу сабабли ўлка маъмурияти умумимпериянинг у ёки бу шаҳрида фаолият олиб бораётган, ўз мутахассислиги бўйича ном чиқазган ҳақиқий олимларни юқоридаги вазифани адо этишга жалб этишга ҳаракат қилди. Ана шундай олимлардан бири, тақдир тақозоси ва замон зайли билан Туркистонга ташриф буюрган ғарблик олимлардан бири, асл келиб чиқиши болтиқбўйилик немис Александр фон Миддендорф (1815-1894) эди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия Императорлик География жамияти (РИГЖ) Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича экспедицияларни ташкил этишда анча фаол бўлган. Хусусан, А.ф. Миддендорф ана шундай иккита экспедиция ишида бевосита иштирок этмаган бўлса ҳам, уларни муҳокама этиш ишларида қатнашган. РИГЖда ҳали 60-йиллардаёқ Амударёнинг эски ўзани – Ўзбойни ўрганиш зарурияти ҳақида муҳокамалар бошланган, аммо бу ҳудуд ҳали мустамлака маъмурияти бошқарувига ўтмаганлигидан тадқиқот этиш имкони йўқ, 70-йилларда вазият ўзгариб, генерал К.П. Кауфманнинг Хивага юриши (1873) даврида дарёнинг қуруқ ўзани яқинида картографик тавсирга олиш ишлари амалга оширилган.

**Тадқиқот методологияси**. Мақола мавзусини ёритишда замонавий тарих фанида тан олинган тарихийлик, объективлик тамойиллари ҳамда тизимли қиёсий таҳлил, муаммовий ва фанлараро ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар**. 1873 йилнинг 14 апрелида РИГЖ Кенгаши йиғилишида Кавказ ҳарбий округининг Ҳарбий-топография бўлими бошлиғи И.И. Стебницкийнинг хати ўқиб эшиттирилади. Унда Красноводск ва Манғишлоқ ҳарбий отрядларининг Хивага ҳаракати даврида Амударёнинг эски ўзанини ўрганиш

бўйича чора-тадбирлар баравар яна давом эттирилгани, зобит-топографлар тасвирга олиш йўл-йўриқлари билан танишиб, зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги, Хива ҳарбий отряди ортидан барометрик нивелирлаш ишларини олиб борилгани маълум қилинган[1]. П.П. Семёнов бу ишга А.ф. Миддендорфни жалб этиш учун Амударёни ўрганиш бўйича бўлажак экспедиция режасини унга жўнатади. А.ф. Миддендорф жавоб хатида (1873 йил 10 март) жамиятга бу таклиф учун миннатдорчилик билдириб, экспедицияни куздан эртароқ бошлашнинг имкони йўқлигини маълум қилади[2].

1873 йилнинг 3 майида РИГЖ Кенгаши мажлисида А.ф. Миддендорфнинг П.П. Семёновга йўллаган мактуби ўқиб эшиттирилиб, унда олим Амударёнинг Каспий денгизига оққан эски қуруқ ўзанини ўрганиш бўйича экспедиция таркибида иширок этишга ўз розилигини билдирганлиги маълум бўлади. Аммо Кенгашнинг кейинги мажлиси (14 май)да П.П. Семёнов экспедиция ишида А.ф. Миддендорф номаълум сабабларга кўра қатнашишга розилик бермаганини хабар қилган.

1874 йил РИГЖ Кенгаши йиғилишида П.П. Семёнов келгуси йил Помир тоғларини тадқиқ этишни ўлка генерал-губернатори К.П. Кауфман билан муҳокама этганини маълум қилиб қилиб, жамиятда экспедиция мақсади, таркиби ва дастурини муҳокама қилиш, керакли харажатларни аниқлаштириш юзасидан “тайёрланаётган ишлар ва бу масала юзасидаги муҳокамаларда иштирок этиш”га А.ф. Миддендорфни ҳам таклиф этган[3].

Экспедиция аввало сиёсий мақсадларни кўзлаган, ваҳоланки А.ф. Миддендорфга экспедицияни “бир неча юз казаклар билан” бошқариш “астойдил таклиф қилинган” бўлса ҳам, у бу “шараф”ни рад этган[4].

А.ф. Миддендорфнинг нафақат илмий ишлари, балки қишлоқ хўжалиги билан машғуллигидан хабардор П.П. Семёнов генерал-губернаторга унинг номзодини тавсия қилади. К.П. Кауфман изланишлар учун А.ф. Миддендорфни дарҳол таклиф қилмайди. 1876 йилда империянинг бошқа ерларида илмий тадқиқотлар билан банд А.ф. Миддендорфдан умид қилиш ҳам мумкин эмас, у 1877, 1878, 1879 йилларнинг бирида ярим йилча Туркистонга келишни режалаштиради[5].

Фарғона водийси бўйича тадқиқотларга доир қарорни К.П. Кауфман Туркистондаги вазият у ёки бу даражада барқарорлашгач қабул қилган. 1877 йил 6 июнда Санкт-Петербургдан К.П. Кауфманга йўлланган телеграммада А.ф. Миддендорфнинг Туркистонга келгуси йил баҳорда сафар қилиши юзасидан узил-кесил қабул қилгани қарори аввало Франция жануби, Ломбардия ва Жазоирга дастлабки ташриф учун зарурий тайёргарлик билан боғлиқ боғлиқ эканлиги билдирилган[6].

РИГЖ томонидан ўлка генерал-губернатори К.П. Кауфманга жўнатилган телеграммада (1877 йил 7 июнь) ҳам экспедициянинг янаги йилнинг баҳорида бошлаш режалаштирилгани ҳақидаги хабар яна бир бор эслатилиб, А.ф. Миддендорфга сафар харажатлари учун бериладиган моддий маблағдан унинг розилиги маълум қилинган. Хизмат сафари сарф-харажатлари учун жами 2137 рубль 98 копеек ажратилган[7].

Туркистон генерал-губернатори маҳкамасидан Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига йўлланган ёзишмада академик А.ф. Миддендорф водийга 2 та ёрдамчиси билан ташриф буюриши ва ажратилган маблағ тушиши билан (ҳар ҳолда бу маблағ вилоят маъмуриятига ўтказилган – З.С.) ўлка маъмуриятини хабардор қилиши сўралган[8]. А.ф. Миддендорф ўғли Максга ёзган хатларининг бирида, “Туркистонга ҳозир [экспедиция] бўладими йўқми, ҳануз савол остида. Бу у ердаги сўнгги жангларнинг муваффақиятига боғлиқ”лигини қайд қилган[9]. П.П. Семёнов 1877 йилнинг 19 октябрида Санкт-Петербургдан ўлка генерал-губернатори номига йўллаган телеграммада А.ф. Миддендорфнинг экспедиция юзасидан якуний қарор қабул қилинишини кутаётганлигини баён қилган[10].

А.ф. Миддендорф бошчилигида 1878 йилда Фарғонага уюштириладиган экспедиция ҳақида РИГЖ котиби 1877 йил 7 ноябрда Фанлар академиясининг умумий йиғилишида ахборот бериб, Туркистоннинг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий шарт-шароитларини ўрганишини маълум қилар экан, мазкур масала империя иқтисодий фаровонлиги учун биринчи даражали муҳим эканлигини инобатга олиб, “генерал-адъютант фон Кауфман бу вазифани махсус экспедицияга юклаш мақсадга мувофиқлигини эътироф этганлиги” таъкидлаган[11]. Ўз навбатида А.ф. Миддендорф Фанлар академияси томонидан унга бирор топшириқ бор-йўқлигини сўраган. 8 ноябрь куни табиий-математик фанлар бўлими йиғилишида А.ф. Миддендорф билан “Туркистоннинг қарийб номаълум фаунасини” тадқиқ этиш учун зоолог В.Ф. Руссовни ҳам қўшиб жўнатиш таклифи билдирилади. 7 декабрда Туркистоннинг қишлоқ хўжалик ва иқтисодий шарт-шароитларининг тадқиқи учун 1878 йилда уюштириладиган ушбу экспедиция ҳақида РИГЖ ҳам хабардор бўлади[12]. Ҳолбуки А.ф. Миддендорфнинг Фарғона экспедицияси ҳақида РИГЖ нашрларида жуда кам маълумот берилган[13].

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган бир мактуб 1877 йилнинг 19 декабрида А.ф. Миддендорфнинг ўзи қўлда ёзиб, К.П. Кауфманга йўллаган, унда генерал-губернатордан Тошкентда сотувда бўлмаган қўлёзма хариталар ва тасвирлар, топографлар ва юк ташувчи ўқимишли ҳаммол ҳамроҳ топишда амалий ёрдам беришини сўраган.

Ўзи билан ёрдамчи сифатида аввал Сирдарё ва Амударё бўйларида бўлган таниқли ботаник, Қозон университети музейи илмий ходими С.М. Смирновни шерик этиб танлагани, ҳозирда зоолог қидираётганини қайд этиб, “17 ёшли ўспирин ўғлим менга шахсан ҳамроҳ бўлиб, қатор метерологик тадқиқотларда кўмаклашади”, деб ёзади[14].

А.ф. Миддендорф 1878 йилнинг 9 январида Петербургдан Фанлар академияси Зоология музейининг ходими, машҳур орнитолог В.Ф. Руссов (1842–1879)[15] ва ўғли Макс[16] билан йўлга чиқиб, 12 февралда Тошкентга етиб келишади. Бу ерда у К.П. Кауфман билан учрашиб, у билан кейинги ҳаракатларини муҳокама қилган. А.ф. Миддендорф тошкентдалигида тадқиқоти учун зарур турли маълумотлар, хариталар билан ҳам танишади.

1878 йилнинг 5 мартида Фарғона вилояти Ер ишлари бошқармаси мулозимларидан К.П. Кауфманга юборилган хатда А.ф. Миддендорфнинг ташрифи муносабати билан қишлоқ хўжалиги масалаларига доир қайдлар ёзиб берилгани, олимнинг вилоятда бўлган чоғида шулар юзасидан у билан мулоқот қилиш режалари борлиги баён этилган. 10 та банддан иборат қайдларда қатор масалалар ўз аксини топган[17]. Жумладан, ўлканинг қишлоқ хўжалигида етиштириладган кўплаб экинларини сунъий суғориш учун 1 таноб ерга қанча миқдорда сув талаб этилиши, сунъий суғоришга асосланмаган лалми ерларга ўғитларсиз ишлов бериш тупроқ ёки бошқа шарт-шароитларга нечоғлик боғлиқлиги масалалари ва ҳоказолар[18].

Экспедиция йўналиши давомида Тошкент, Хўжанд, Қўқон ва Фарғона водийсининг турли қисмларида бўлиб, ҳудуднинг географик баёни, аҳолисининг этнографик ва антропологик маълумотлари ҳамда зоологик жамланмалар тўпланган[19].

Экспедиция натижасида тўпланган ашёлар маълум қисмларга бўлиниб, 1878 йилнинг август–сентябрь ойларида Дерптга келтирилган. А.ф. Миддендорф Фарғона

водийси тупроқ намуналарини энг муҳим деб ҳисоблаб, уни Дерпт университетининг кимё профессори К. Шмидт тадқиқ этиши керак, А.ф. Миддендорф Шмидт таҳлилидан сўнг Фарғона войдиси тупроғи Лифляндия тупроғидан ҳам энг яхшироқ маълум бўлишига ишонган.

А.ф. Миддендорф Фарғона водийсида икки ярим ойдан кўпроқ (февраль охиридан май ойи бошигача) бўлиб, бу муддатда ичида кўп нарсаларни кўриш ва ўрганишга улгурди. Экспедициянинг бошқа аъзолари томонидан тўпланган материаллар унинг шахсий кузатишларини тўлдирди.

1878 йилнинг 17 ноябрида А.ф. Миддендорфнинг генерал-губернатор К.П. Кауфманга йўллаган хатида Академия (Фанлар академияси – З.С.) асарнинг асл немис тилидаги нашрини харита ва бир неча расмлар билан чоп этиш харажатларини қоплашни билдиргани, генерал-губернаторнинг рус тилидаги таржимаси учун маблағ ажратишни маъқул деб топгани, аммо бундай таржима нашри учун қанча маблағ кетишини аниқлаш имконига эга эмаслиги, “фақатгина ортиқча сўз ва расмлар бўлмаслигигига ваъда бериши, асар қисқа муддатда чоп этилишидан шахсан манфаатдор” эканлиги таъкидланган[20].

Генерал-губернатор К.П. Кауфман китоб рус тилида чоп этилишини истаб, 1879 йил ноябрида А.ф. Миддендорфга таржима учун пул жўнатади. Китоб рус тилига Давлат мулклари вазирлигининг статистика бўлими ходими, қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланган В.И. Ковалевский томонидан таржима қилиниб, “Фарғона водийси очерклари” (“Очерки Ферганской долины”) номи билан 1882 йилда нашр этилган[21].

1882 йилнинг 15 сентябрида А.ф. Миддендорфнинг генерал-губернатор номига юборган хатида Фанлар академияси босмахонаси русча 300 нусхани почта орқали Тошкентга жўнатганлигини, 200 та нусхаси эса ҳар бири 5 рубль 30 копеекдан сотиш учун Ильиннинг дўконида қолганини маълум қилган[22].

Туркистон генерал-губернаторлиги хўжалик-статистика бўлимининг маълумотномасида келтирилишича, китобнинг ўлкага келтирилган 300 нусхаси генерал-губернатор томонидан қуйидаги муассасаларга тарқатилган:

Туркистон ҳарбий округ штабига – 26 нусха;

Артиллерия бошқармасига – 10 нусха;

Фарғона вилоят ҳарбий губернаторига – 1 нусха;

Сирдарё вилоят ҳарбий губернатори в.б.га – 1 нусха;

Зарафшон округи бошлиғига – 1 нусха;

Амударё бўлими бошлиғига – 1 нусха;

муҳандис Ивановга – 1 нусха, 5 нусхаси Тошкент китоб сақловхонасига, қолгани кутубхоначилар томонидан ҳар бири 5 рубль 30 копеекдан сотилаётгани маълум қилиниб, артилллерия бошлиғи бригада ва артиллерияни бошқариш, бош инспектор эса Туркистон семинарияси ўқув юртлари ва ўқитувчилар учун ўлка географияси бўйича дарслик тузаётган Миропиев учун яна 2 нусхадан текинга жўнатиш сўралган[23].

А.ф. Миддендорф асарида сариқ тупроқнинг хусусиятлари, пайдо бўлиши, турли қум ва қум тепа (бархан)ларнинг фарқли жиҳатлари, чўлли ернинг ҳар хил “замини”, қумлардаги намлик, чўллашув сабаблари, қора тупроқ таркиби юзасидан анча қизиқарли ва ҳозиргача қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган фикр-мулоҳазалар билдирилган. А.ф. Миддендорф Ўрта Осиёнинг бу каби масалаларини тилга олган немис ва рус тадқиқотчиларининг асарлари билан танишибгина қолмай, балки уларнинг маълумотларини аниқлаштириб, тўлдирди. Унинг томонидан кўпроқ қумли чўлларга аҳамият берилиб, “қумларнинг Фарғона экин ерлари, унинг ўсимликларини сақлаш ва суғоришни кўпайтириш учун қисман хавфли эканини хулоса қилган”[24].

Китобнинг алоҳида боби ўлканинг мустамлака тарихи ҳамда этнографик маълумотларига бағишланган. Фарғона водийсининг аграр масалалари батафсил кўриб чиқилган.

А.ф. Миддендорфга кўра, унинг асари “маҳаллий амалдорлар учун қўлланма” вазифасини ўташи керак, аммо китоб мазмуни “қўлланма” чегараларидан ташқарига ҳам чиққани боис, фақатгина Фарғона вилояти маъмуриятинигина қизиқтириши мумкин эмас эди. А.ф. Миддендорф вилоятнинг хўжалик фаолиятини такомиллаштириш йўллари ҳақида фикр юритиб, Фарғона водийси деҳқончилик ва чорвачилиги турли тармоқларини Россиянинг бошқа губерниялари билан доимий солиштирган. Алоҳида тармоқларни эса А.ф. Миддендорф маҳаллий аҳолининг тарихий ва маданий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда таҳлил этган. Унинг фикрича, асрлар давомида ривож топган анъаналар Фарғонада бир қанча хўжалик тармоқлари шаклланишида муваффақият омили бўлиб, Россия Европаси бунга фақатгина ҳасад қилиши мумкин. Яна Россия маъмуриятининг тубжой аҳоли фаолиятига қўпол аралашувидан кўра, тарихий анъаналардан фойдаланиш анча унумли эканлигини таъкидлаган.

“Фарғона водийси очерклари”да бевосита тилга олинган ҳамма масалаларни санаб ўтишнинг имкони йўқ. Шуни таъкидлаш ўринлики, солиқ тартибини танқид қилиб, кўчириб келтирилганларнинг яшаш тарзини тавсифлар экан муаллифнинг кўплаб хулосалари ҳозир кунда ҳам анча замонавий. Шубҳасиз, бугунги китобхон ҳам ушбу асардан кўплаб қизиқарли ғояларни топиши мумкин.

“Фарғона водийси очерклари”ни айнан бир йилда Фарғонада тадқиқотлар олиб борган геолог И.В. Мушкетов ҳам юқори баҳолаган. Унинг сўзларига кўра, саёҳатдан қайтиб китобини чоп этган А.ф. Миддендорф “ажойиб ишини “Очерклар” деб камтарона номланган, ўзига (Миддендорфга – З.С.) хос иқтидор билан Фарғонанинг тўлиқ ва ҳар томонлама тавсифини тақдим этганки, ҳозирги кунда унинг очерклари ушбу вилоят билан танишиш учун янги яхши манба бўлиб ҳисобланади”[25]. И.В. Мушкетов “Туркистон” асарининг “Геология” қисмида А.ф. Миддендорфнинг кўплаб маълумотларидан фойдаланган ҳамда ҳар гал унинг китобига мурожаат қилган. И.В. Мушкетовни кўпроқ А.ф. Миддендорфнинг сариқ тупроқнинг пайдо бўлиши, қум ва қумликларнинг хусусиятлари, қумларнинг кўчиши ҳамда Фарғона водийси “Турон ҳавзаси”нинг давоми эканлигига доир ғоялари диққатини тортган.

**- Хулоса ва таклифлар**. Туркистонни мақсадли ўрганиш ишлари мустамлакадан бурун анча мушкул саналган бўлса, истилодан кейин бу тизимли тарзда амалга оширилди. Туркистон мустамлакаси империя учун янги бозорларга йўл очибгина қолмай, ўлканинг хом ашё сифатида хизмат қилувчи соҳалари, хусусан, биринчи галда маҳаллий қишлоқ хўжалигини умумимперия (пахтани қайта ишлаш, ип-газлама саноати) манфаатларига бўйсундиришни мақсад қилиб қўйганди. Бунинг учун ҳарбий бошқарув маъмурияти таниқли олимлар, ўз касбининг фидойи кишилари билан мулоқотга киришиб, уларни Туркистонни илмий жиҳатдан ўрганиш ишларига жалб қилишган. Жумладан, амалда ўлканинг бош амалдори саналган генерал-губернатор К.П. Кауфманнинг ўзи А.ф. Миддендорф билан мулоқот қилиш ташаббускори бўлгани ва улар ўртасидаги ёзишмалар бунга ёрқин мисол бўла олади.

А.ф. Миддендорф Россиянинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги бошбошдоқликлардан хавотирларини билдириб, рус жамиятининг турли соҳаларидаги оқсоқликларни мунтазам ва кескин танқид қилган. Бу танқидлар

нафақат маҳаллий амалдорлар, балки марказий ҳукуматга нисбатан ҳам қаратилган бўлиб, уларда вазият сабаблари ва уни тузатиш йўл-йўриқлари ҳам кўрсатилган. А.ф. Миддендорф танқидлари ҳамиша амалий аҳамиятга эга, лекин унинг тавсиялари ҳар доим ҳам ҳукмрон доиралар томонидан ҳисобга олинмаган.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Известия Русского Императорского Географического общества. 1873. Т. 9. Действ. общ. С. 102.
2. Россия География жамияти (РГО) архиви 1–1874-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 1, 61-орқа варақ.
3. Известия Русского Императорского Географического общества. 1874. Т. 10. Действ. общ. С. 329–330.
4. A.Th. v. Middendorff. an B.von Uuexküll. Pörrafer, 25. November 1881 // PAWL.
5. Россия География жамияти архиви 1–1876-фонд, 1-рўйхат, 14-йиғмажилд, 1, 9–9-орқа варақлар.
6. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 6-варақ.
7. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 12-орқа варақ.
8. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 19-варақ.
9. A.Th. v. Middendorff. an M. v. Middendorff. Pörrafer, 17. April 1877 // PAWL.
10. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 14-варақ.
11. Известия Русского Императорского Географического общества. 1878. Т. 14. Действ. общ. С. 33.
12. Фанлар академияси ёзишмалари (Записки АН). 1878. Т. 31. 324, 376–377-бетлар.
13. Отчет Императорского Русского Географического общества за 1878 г. – СПб., 1879. С 41; Известия Русского Императорского Географического общества. 1878. Т. 14. Отд. 2. Мелкие известия. С. 113; Известия Русского Императорского Географического общества. 1879. Т. 15. Отд. 1. Журнал заседаний. С. 38-39.
14. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 23-варақ. В.Ф. Руссов бунгача Дерпт (Тарту) университети музейида ҳам ишлаган.
15. Макс саёҳати ярми генерал-губернатор, ярми эса отаси томонидан ажратилган маблағ ҳисобига амалга оширилган. Қаранг: Middendorff A.v. Middendorff's Hellenormer Briefe. Livland (1847–1894). Қўлёзма Gissen, 1996. S. 193.
16. ЎзМА Ф-284-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғмажилд, 5–7-варақлар.
17. ЎзМА Ф-284-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғмажилд, 7-орқа варақ.
18. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Часть III. 1869–1880. Составитель кандидат исторических наук О.В. Маслова. – Ташкент, 1962. С. 115.
19. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 59-варақ.
20. Middendorff A.Th.v. Einblicke in das Ferghana-Thal. Nebst chemischer Untersuchung der Bodenbestandtheile von C. Schmidt // Mem. Acad. 1881. VII Serie. T 39. №1.
21. Миддендорф А-ф. Очерки Ферганской долины / с приложением «Химических исследований почв и вод» К. Шмидта; перевод с немецкого В.И. Ковалевского. – СПб.: Типография Императорской Академии наук, 1882. – 489 с.
22. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 133-варақ.
23. ЎзМА Ф-1-фонд, 15-рўйхат, 251-йиғмажилд, 165-варақ.
24. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Часть III. 1869–1880. Составитель кандидат исторических наук О.В. Маслова. – Ташкент, 1962. С. 116.
25. Мушкетов И.В. Туркестан. – Петроград: Изд-во РГО, 1915. С. 279.



26. Мазкур мақола муаллифнинг (З.С.) Эстония ҳукумати гранти бўйича 2022 йилнинг май–июль ойларида Тарту университетига илмий сафари доирасида ҳаммуаллифликда бажарилган.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/10/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 698(08) (285.4)

*Давлатжон ЎРИНБОЕВ,*
*Қўқон давлат педагогика институти Тарих факультети декани (PhD)*
*E-mail: o‘rinboyevdavlatjon220@jmail.com*

*Қўқон давлат педагигика институти доценти, ф.ф.н З.Д.Бойтемирова тақризи асосида*

**INDEPENDENT DEVELOPMENT STRATEGY OF UZBEKISTAN - NATIONAL LEVEL EXPRESSION OF MODERN STRATEGY THEORY.**

Annotation
In an article about the formation, development and growth of the development strategy of Uzbekistan. Today it is reported that the strategy for the development of an independent state is a model and expression of modern theory and strategy at the national level. Analyzing the theory of modern strategies, the author made suggestions and conclusions.
**Key words:** Strategy, Uzbek development model, independent development strategy, strategy, theory of strategies, modern strategies.

**НЕЗАВИСИМАЯ СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА- ВЫРАЖЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ТЕОРИИ СТРАТЕГИИ НА НАЦИОНАЛЬНОМ УРОВНЕ**

Аннотация
В статье о формировании, развитии и росте стратегии развития Узбекистана. Сегодня сообщается, что стратегия развития независимого государства является образцом и выражением современной теории и стратегии на национальном уровне. Анализируя теорию современных стратегий, автором были даны предложения и выводы.
**Ключевые слова:** Стратегия, узбекская модель развития, самостоятельная стратегия развития, стратегия, теория стратегий, современные стратегии.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ – ЗАМОНАВИЙ СТРАТЕГЕМАЛАР НАЗАРИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ИФОДАСИ**

Аннотация
Мақолада Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг шаклланиши, ривожланиши, юксалиши борасида сўз юритилади. Бугунги кунда мустақил давлатнинг тараққиёт стратегияси –стратегемалар ва замонавий назариясининг миллий даражадаги намунаси ва ифодаси эканлиги тўғрисида маълумот берилган. Замонавий стратегемалар назариясини таҳлил этиш орқали муаллиф томонидан таклиф ва хулосалар берилган .
**Калит сўзлар:** Стратегия, тараққиётнинг ўзбек модели, мустақил тараққиёт стратегияси, стратегема,стратегемалар назарияси, замонавий стратегемалар

**Кириш**. Мамлакатимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва келажакни илмий ўрганишнинг стратегик механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга ошириб, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Улардан кўзланган мақсад - “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”[1]..Шу нуқтаи назардан, бу борадаги тажриба-ларни умумлаштириш ва мавжуд муаммоларни аниқлашда стратегемалар назария-сининг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий тараққиётга таъсир этиш қонуният ва механизм-ларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**. Стратегема мавзуси бўйичазамонавий хориж фалсафасида Швейцариялик олим Харро фон Зенгер[2] ҳамда инглиз файласуфи Роберт Грин[3] каби тадқиқотчи олимларнинг стратегемаларга оид тадқиқотлари шу соҳадаги илк йирик ва машҳур асарлар ҳисобланади.

Кейинги йилларда олимлар, хусусан, МДҲ давлатлари мутахассислари “Стратегология” фани ҳақида гапира бошладилар ва айнан ана шу асарларни бу борадаги дастлабки илмий адабиётлар сифатида эътироф этмоқдалар, Л.С.Васильев, В.С.Мясников[4], Г.Альмонд, С.Алфорд, Р.Арон, З.Бжезинский, П.Нейлор, П.Рейнольдс, С.Хантингтон ва бошқаларнинг изланишлари ва асарларида ҳам стратегияларнинг илмий, амалий ва фалсафий хусусиятлари ҳамда баъзи жиҳатлари муайян даражада тадқиқ этилган ва улар бизнинг мавзуимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, профессор В.Алимасовнинг [5]“Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати” китобидан жой олган “Стратегема – фикрлаш ва енгиш илми” номли мақоласи, тадқиқотчи Давронбек Қодировнинг[6]мамлакатимизда бевосита стратегемалар мавзусига бағишланган ниҳоятда кам сонли асарлардан бири бўлган “36 Хитой стратегемаси: ҳарбий ҳийлалар ва иқтисодий муваффақият сирлари” номли рисоласида ҳам бу мавзуга доир баъзи маълумотлар берилган. Моҳир таржимон ва журналист Жалолиддин Сафоевнинг бу борадаги изланишларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Тадқиқот методологияси**. Мақола мавзусининг илмий-стратегемик асосларини мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг асарлари асосида таҳлил қилиш мумкин. Уларда тараққиётнинг долзарб масалалари ҳар томонлама кенг ва чуқур тадқиқ қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакат-ни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институт-ларининг ролини тубдан ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида", фармонлари ва қарорларини мақолага методологик асос бўлиб хизмат қилади.

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумки, Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида истиқлолга эришиши ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб бориши жараёнида Республикамизнинг ўзига хос ривожланиш стратегияси танланди, "Тараққиётнинг ўзбек модели" концепцияси, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди. Иқтисоднинг мафкурадан холилиги, давлатнинг-бош ислоҳотчилиги, қонун устуворлиги, ижтимоий ҳимоя сиёсатига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги ва ўтиш даврида янги иқтисодий муносабатларга босқичма-босқич ўтиш зарурлиги каби беш тамойилга таянадиган ушбу стратегия асосида ёш мустақил давлат ҳаётида туб ислоҳотлар, "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон, унинг бахт-саодати ва манфаатлари учун!", "Кучли давлатдан – кучли жамият сари" каби стратегик тамойиллар амалга оширила бошлади.

Мустақиллик стратегемаларини ишлаб чиқиш ва замонавий стратегемалар назарияси намоён бўлишидаги умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик диалектикасининг миллий даражада самарали амалга ошишини таъминлаш жараёни фақатгина Ўзбекистон эмас, балки бутун жаҳон сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг энг масъулиятли паллаларидан бирига, инсоният цивилизацияси тараққиёти билан боғлиқ кўплаб масалаларга жавоб изланаётган мураккаб даврга тўғри келди. Дунё нотинч бўлиб қолган, тинчлик ва барқарорликка раҳна солувчи кучлар таҳдиди кучайган ва собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида шаклланган қатор мустақил давлатларда қонли воқеалар, талофатли жараёнлар кечган бир вазиятда миллий тараққиёт стратегиясига асосланган аниқ чора-тадбирлар изчил амалга оширилди. Бу борада мустақиллик йўлини босиб ўтган давлатларнинг ижобий тажрибаси синчиклаб ўрганилди ва, айни вақтда, Ўзбекистон воқелиги, халқимизнинг ўзига хослиги, миллий менталитети, бой маънавияти, тинчликсеварлиги ва бағрикенглиги каби хислат ва хусусиятлари инобатга олиниб, иш юритилди. Чуқур фалсафий-ижтимоий таҳлил натижасида танлаб олинган ва амалга оширилаётган, мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланиши учун асос бўлаётган тараққиёт йўлининг самарали эканлигини кўплаб мисоллар орқали кўриш мумкин.

Мустақил тараққиёт стратегиясида намоён бўлган ва истиқлолнинг дастлабки йилларига доир мақсадлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор кўпдан-кўп сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий вазифаларни амалга оширишни тақозо этарди. Миллий стратегия халқимизни ана шу мақсад атрофида бирлаштириб, улуғ ишларга сафарбар этадиган бизга таянч ва кўмак бўладиган маънавий мезон бўлиши лозим эди. Мустақиллик йилларида шаклланиш йўлига кирган янги даврга хос миллий стратегия умуминсоний қадриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари билан бойитишга хизмат қилиши давр талабидир.

1992 йилда мамлакатимизнинг Асосий қонуни - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жаҳон андозаларига, дунё халқларининг демократик тараққиёт тамойилларига мос келадиган ушбу Конституция қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, истиқлол даврининг ўтган йигирма беш йили – "тарих учун бир лаҳза, холос. Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни, энг аввало, Конституциямиз билан боғлашимиз, албатта, бежиз эмас. Нега деганда, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда."[7]

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, мазкур Конституцияда илгари сурилган стратегия ва қоидаларга таянган ҳолда, аввало бутун жамият ҳаётининг барча соҳалари каби, маънавий қадриятлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ҳам ниҳоятда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсади, собиқ Иттифоқдан мутлақо янги сиёсий тизимга ўтиш ва бу борада янгича муносабатларни шакллантиришга қаратилган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча фуқаролари манфаатларига хизмат қиладиган миллий стратегия мамлакатимиз тараққиёти, унинг ривожи ва янада гуллаб-яшнаши билан узвий боғланади. Бу ҳар бир фуқаро, бутун жамиятнинг фаол ҳаракат қилишини, Республика мустақиллигини белгилаб берган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш учун бор куч-имкониятларни сафарбар этишни тақозо қилади. Бумамлакатни изчил ривожлантириш, жамият ҳаётини демократлаштириш ва модернизациялашни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистонниэнг тараққийэтган давлатларсафига олиб чиқишга қаратилган изчил ислоҳотларни давом эттириш давридир.

Мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтиш даврида эса, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, ҳимояловчи сиёсий ва ижтимоий институтларнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур жараён давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фуқаролар иштирокини кенгайтириш масалаларида, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг кенг қатлами қўллаб-қувватлайдиган, халқ орасида чуқур илдизга эга бўлган мустақил, мустаҳкам, барқарор, ихчам турли-туман фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳам Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиёти билан демократик жамият қуришнинг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Халқнинг анъаналари ва маданиятини акс эттирувчи асрлар мобайнида шаклланган ўзини ўзи бошқариш тажрибаси замонавий демократик қадриятлар билан уйғунлашиб бормоқда. Юртимизда қадимдан мавжуд бўлган маҳалла сингари ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли кишилар, оилалар ўртасида алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилиги, жамият қурилишида ижтимоий адолатли демократик тизимнинг такомиллашувига хизмат қилувчи муҳим омилга айланди.

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди. Бундай шароитда ушбу ишларни давом эттириш билан бирга, кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни амалда ўзини тўла оқлаган моделга мувофиқ равишда давом эттириш давлат ва жамиятнинг барқарорлиги ва

зарур ривожланиш суръатларини таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Айнан ана шу даврда мустақилликнинг олдинги йиллари мобайнида яратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий тараққиёт асослари замонавий тажрибалар билан бойитилиб, уларнинг тадрижий янгиланишига эришилди. Бу борадаги тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавият тараққиёти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар самарасини ошириш, мамлакатимизда бу соҳадаги мавжуд тажрибани умумлаштириш ҳамда уни бугунги ҳаётимизда қўллаш амалиёти бир-бири билан узвий алоқадор ва ўзаро боғлиқ жараён эканидан далолат беради. Бу эса, давлатимизнинг ўз сиёсатида мазкур йўналишда ҳам инсоният томонидан яратилган илғор тажрибалар ва ўзига хос миллий анъаналар билан боғлиқ маънавий ҳаёт воқеликларига таяниб иш олиб бораётганини кўрсатишга хизмат қилади.

Натижада бундай жараёнлар жамият маънавий ҳаёти ўзгаришлар динамикасига ниҳоятда ижобий таъсир кўрсатади. Айни пайтда эса, ушбу соҳадаги янгиланишни янада такомиллаштириш ва ўзгаришлар жараёнини ҳар томонлама чуқур, юксак маънавият тамойилларини аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларимизга сингдириш борасида барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистонни ревожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалга оширила бошлаган кейинги йилларда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга, маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳиби этиб вояга етказиш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида юртимизда дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилган таълим-тарбиянинг такомиллаштирилган тизими амалиётга татбиқ қилинди, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ва замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган таълим муассасалари барпо этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, аввало, мактабларни таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуна, компьютер техникаси билан жиҳозлаш ҳамда кўплаб янги ўқув масканларини қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун давлат харажатларининг каттагина қисми шу соҳага йўналтирилаётгани ҳам, унинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия тизими ривожига, баркамол авлод тарбиясига устувор масала сифатида қараб келинаётганидан далолатдир. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар стратегик мақсад-муддаоларимиз қураётган янги қиёфадаги жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга қаратилганини яна бир бор исботлайди.

**Хулоса ва таклифлар**. Мамлакатимиз мустақилликка эришган 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган давр халқимиз тарихида ўзига хос вамос муҳим ўрин эгаллайди. Ниҳоятда серқирра ва мураккаб ушбу жараённинг таҳлили шундан далолат берадики, ўтиш даврида биринчи навбатдаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар миллий давлатчилик асосларини шакллантириш ва мустақил демократик давлат пойдеворини яратишга қаратилди ва бу маънавий ҳаёт ўзгаришлари динамикасига муқаррар тарзда таъсир кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий омилларнинг аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди.

Ана шу даврда тўпланган тажриба янги жамият ўз-ўзидан барпо бўлмаслиги, балки бунинг учун муайян вақт талаб этиладиган узлуксиз жараён рўй бериши лозимлигини кўрсатди. Ушбу жараённинг суръати ва сифати, пировард натижада эса самараси ва муваффақияти маънавий ҳаёт ўзгаришлари динамикасини белгилайдиган ижтимоий-сиёсий омиллар мустаҳкамланиб боришини тақозо қилгани ўша даврнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлди, дейиш мумкин.

Бу жиҳатдан олганда,Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси замонавий стратегемалар назариясининг бугунги кунда мамлакатимизда миллий даражада акс этишининг яққол далилидир.

Улар, ўз навбатида, мазкур йўналишда барча зарур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослар шаклланганидан далолат беради.

- Янги иқтисодий тизим ва мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Бозор муносабатлари ва иқтисодий плюрализм бу соҳадаги янгиланиш ва замонавий тамойилларни шакллантириш борасидаги жараёнларга асос бўлди.

Янги жамиятни барпо этишнинг янгича тузилмалари вужудга келди. Халқаро андозаларга тўла мос келадиган сайлов тизими шаклланди, қонун устувор бўлган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг асослари мустаҳкамланди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизими янада такомиллашди. Ана шуларнинг барчаси юртимизда ислоҳотларнинг ижобий натижаларини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий асосларни яратиш имкониятини очди. Одамларнинг онги ўзгармаса, шу жойда яшайдиган халқ ва миллатнинг ўз пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш бу борадаги устувор вазифаларни амалга оширишга имкон берадиган ижтимоий-сиёсий асосларни шакллантиришга ёрдам берди.

Агар халқимизнинг миллий давлатчиликни тиклаш, мустақилликни мустаҳкамлаш ва мамлакатимиз танлаб олган тараққиёт моделини амалга ошириш жараёни қандай шароитда кечгани ҳақидаги яхлит ва жиддий таҳлилий тадқиқотлар камлигини инобатга оладиганбўлсак, бу Ҳаракатлар стратегиясининг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги янада яққол намоёнбўлади.Ушбуҳужжат Ўзбекистонда янги давлат ва жамият барпо этиш йўлида қандай амалийчора-тадбирлар амалга оширилгани, бу серқирра жараённинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллари, ҳар бир тараққиёт босқичининг ўзига хос хусусиятлари – буларнинг барчасини ҳартарафлама чуқурёритиб ва исботлаб беришга қаратилган. Шу маънода, мазкур тарихий ҳужжатни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда акс этган стратегия ва тушунчаларни аҳолининг барча қатламлари қалби ва онгига сингдириш муҳим вазифага айланди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).
1. Харро фон Зенгер. Стратагемы. О китайском искусстве жить и выживать. Знаменитые 36 стратагем за три тысячелетия. - М.: Прогресс, Культура. 1995;Зенгер Х. фон. Стратагемы. О китайском искусстве жить и выживать. ТТ. 1, 2. — М: Изд-во “Эксмо”, 2004; Кайхан Криппендорф. 36 стратагем в эпоху конкуренций. - С-Пб, 2005

2. Грин Р. Ўзгармас моҳият. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Ўзбекистон”, 2013; Грин Р. Ҳокимиятнинг 48 қонуни. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Баёз” 2017.
3. Мясников В. С. Традиционная китайская дипломатия и реализация Цинской империей стратегических планов в отношении Русского государства в XVII веке. - М., 1977. Альмонд Г. Сравнительная политология: концепция развития. - Москва, 1997
4. Алимасов В. Стратегема – фикрлаш ва енгиш илми // “Фалсафа ёхуд фикрлаш саньати”. –Т.: “Ношир” 2008;
5. Қодиров Д. 36 Хитой стратагемаси: ҳарбий ҳийлалар ва иқтисодий муваффақият сирлари. –Бухоро: БухДУ, 2016; Грин Р. Ўзгармас моҳият. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Ўзбекистон” 2013; Грин Р. Ҳокимиятнинг 48 қонуни. Таржимон Ж.Сафоев. –Т.: “Баёз” 2017.
6. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси http://constitution.uz/uz/pages/prezident_maruzasi_25yil